ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ X ПЛЕНУМИ

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1988 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ЎРТА ВА ОЛИЙ МАКТАБНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲАМДА ҚАЙТА ҚУРИШНИ ИДЕОЛОГИК ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бунда ҳаракатнинг илк нуқтасини тўғри белгилаб олиш, яъни ўрта ва олий мактабнинг ҳақиқий аҳволини, унинг иш савиясини холисона баҳолаш, кадрларни ўқитиш ва тайёрлашдаги ўзгартишлар жараёнига халақит бераётган сабабларни очиб ташлаш муҳимдир.

Хўш, ҳозир халқ маорифидаги ишларнинг аҳволи қандай? Миқдор жиҳатдан биз, гарчи ҳозир эҳтиёжларимиз нуқтаи назаридан етарли бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда бирмунча кенг тармоқли системага эгамиз. Бу система 7840 та мактабдан, 563 та ҳунар-техника билим юртидан, 250 та техникумдан ва 42 та олий ўқув юртидан иборат. Бу соҳада 320 мингга яқин педагог ишлаб турибди ва 4 миллиондан ортиқ киши таълим олмоқда.

Тўрт йил муқаддам бошланган **мактаб ислоҳоти** маориф системаси даражасини бирмунча кўтариш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш имконини берди. Партия, совет органлари унинг эҳтиёжларига янада эътибор билан қарай бошладилар. Натижада кейинги икки йил мобайнида мактаб қурилиши ҳажмлари ошди, мактабларни ишга тушириш планлари асосан бажарила бошлади. Партия, совет, хўжалик раҳбарларининг психологиясини, уларнинг ўқув юртлари эҳтиёжларига муносабатини бирмунча ўзгартиришга муваффақ бўлинди. Корхоналар ташкилотлар ва хўжаликлар ёрдамида мактаб ўқувчиларига касб ўргатиш учун 69 мингта ўрин ҳосил қилинди, кўпгина мактабларда устахоналар, кабинетлар жиҳозланди. Шундай бўлса-да, ислоҳотга боғланган умидлар оқланмади, сифат жиҳатидан силжиш рўй бермади.

Мактабларнинг атиги 40 процентга яқини типовой биноларда жойлашган, 75 процентида машғулотлар икки сменада олиб борилмоқда, 150 мингга яқин бола ҳатто учинчи сменада ўқимоқда. 700 тага яқин мактаб авария ҳолатида турибди. Мактабларнинг ярмисида ошхона ва спорт заллари, марказий иситиш системаси ва канализация йўқ.

Бултур Марказий Комитет билан Министрлар Совети мактабларнинг авария ҳолатини тугатиш юзасидан шошилинч чоралар кўриш тўғрисида махсус қарор қабул қилишга мажбур бўлдилар. Бироқ бу қарор тўла-тўкис бажарилгани йўқ.

Бошқа ўқув юртларидаги ишларнинг аҳволи ҳам бундан яхши эмас. Ҳунар-техника билим юртларининг атиги учдан бир қисми типовой комплексларда, қолган учдан икки қисми эса бир амаллаб мослаштирилган биноларда жойлашган. Республикада лоақал нормативларга яқин келадиган таълим-лаборатория биноларига эга бўлган биронта, такрор айтаман, биронта олий ўқув юрти, техникум йўқ.

Аҳвол ҳаддан ташқари қониқарсизлигини кўриб турибсизлар. Ишни қатъиян яхшилаш учун фавқулодда чоралар кўрилиши керак. Бироқ бир қанча партия ташкилотларида ва ижроия комитетларида ҳамон бепарволик ва хотиржамлик вазияти ҳукм сурмоқда, мактабларни жадал ривожлантириш учун ички резервларни қидириш ва сафарбар этиш бир ёқда турсин, ҳатто давлат ажратиб берган капитал маблағлар ҳам тўла-тўкис ўзлаштирилмай қолиб кетмоқда.

Тошкент областида авария ҳолатидаги 66 та мактаб бор, 417 та мактаб бир амаллаб мослаштирилган биноларда жойлашган. Бироқ область ижроия комитети ўртоқ П. М. Абдураҳмонов буни фавқулодда вазият, деб ҳисобламаётганлиги кўриниб турибди. Область партия комитети ҳам бу ишга муносиб принципиаллик ва талабчанлик билан қарамаяпти. Акс ҳолда, улар қурувчиларнинг мактаб қурилиши планларининг йил сайин барбод этишларига йўл қўйиб келаётганликларини қандай изоҳлаш мумкин. 1986 йилда шу мақсадлар учун ажратилган давлат капитал маблағларининг 86 проценти, 1987 йилда эса 77 проценти ўзлаштирилди.

Ҳунар-техника билим юртлари қурилишининг аҳволи ҳам ёмон. Масалан, Навоий областида уларни қуриш ишлари 65 процент бажарилмоқда. Ҳолбуки, мавжуд ҳунар-техника билим юртларининг кўпчилигида ўқиш учун энг оддий шароит ҳам йўқ. Саноат зонаси жадал ривожланмоқда, қишлоқда ҳам малакали ходимлар керак-ку, ахир! Наҳотки хўжалик эҳтиёжи ҳам область раҳбарларини (ўртоқ А. А. Айдарқулов) маориф эҳтиёжларига ўз муносабатини қайта кўриб чиқишга мажбур этмаса?

Жиззах область партия комитети ўтган йилнинг бошида ҳунар-техника таълимини ривожлантириш учун ҳар йили камида 2,5 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштириш ҳақида қарор қабул қилиб, бир қарашда яхши ташаббус бошлагандек бўлди. Бироқ ҳужжат тузилгандан кейин у эътиборсиз қолиб кетди, конкрет иш билан мустаҳкамланмади. Йил охиригача атиги 1 миллион сўмга яқин маблағ ўзлаштирилганлиги бундай бепарволикнинг табиий натижаси бўлди.

Ўртоқ Д. С. Ёдгоров раислик қилаётган Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети шу вақтга қадар авария ҳолатидаги 29 та мактабнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари масалаларини ҳам ҳал этгани йўқ.

Қашқадарё область Деҳқонобод районида ҳам мактаб қурилишига ажратилган маблағларнинг ўзгартирилиши атиги 71 процентни ташкил этади, бу райондаги 20 та мактаб биноси авария ҳолатида, 26 таси ҳатто электрлаштирилмаган. Район партия комитети ва унинг биринчи секретари ўртоқ М. Норбоев бундай бемаъниликлар учун ҳеч кимдан жавоб талаб қилмади.

Келинглар, қатъий келишиб олайлик: янги ўқув йили бошлангунча республикада авария ҳолатидаги биронта мактаб қолмасин, полсиз ва шифтсиз биронта синфхона қолмасин. Умуман, ўртоқлар, биз, республика активлари билан суҳбатда М. С. Горбачев таъкидлаб ўтганидек, болалар тўғрисидаги ғамхўрликка маҳкамачилик, хўжалик нуқтаи назаридан эмас, балки партия, давлат ва қолаверса инсоний позицияларида туриб ёндашайлик. Бу гап мактабларга ҳам, мактабгача тарбия муассасаларига ҳам таaллуқлидир. Республикада болаларнинг атиги учдан бири, қишлоқларда эса фақат тўртдан бири болалар боғчасига бориш имкониятига эга эканлигидан иборат мутлақо нонормал аҳвол биз, партия, совет, хўжалик раҳбарларига бевосита таъналир. Бу ҳол болаларни мактабга тайёрлашни йўлга қўйишга ҳам, оналарнинг аҳволига ҳам жуда салбий таъсир қилмоқда. Бизга мактаб ва мактабгача тарбия биноларини қуриш, ремонт қилиш, ободонлаштиришга қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар барча корхона, ташкилот, хўжаликларни жалб этиш юзасидан қатъий наказ берилган. Партия ташкилотлари бу ишни жуда қаттиқ кундалик назорат остига олишлари керак.

Республикада бу соҳада тажриба бор. Тошкент машинасозлик конструкторлик бюроси (унга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси ўртоқ Ш. А. Воҳидов раҳбарлик қилмоқда) Паркент районидаги Невич посёлкасида мактаб қурилишида одамлар ва техника билан катта ёрдам берди. Ундаги таълим-ишлаб чиқариш устахонаси корхона ҳисобига тўла-тўкис ускуналанган — токарлик, фрезерлик, пармалаш станоклари, слесарлик дастгоҳлари ўрнатилиб, ишга туширилган. Компьютер синфхонасини барпо этишга киришилди. Мактаб ўқувчилари асосий ишлаб чиқариш корхонасининг цехларида ишлаб чиқариш практикасидан ўтмоқдалар. Санганак посёлкасида мактаб қурилишида ҳам оталиқ ёрдами берилмоқда. Мана буни чинакам партия, давлат манфаатларини кўзлаб ёндашув деса, раҳбарнинг келажак ҳақидаги оқилона ва эзгу ғамхўрлиги деса бўлади. Андижон область Москва районидаги «Октябрь 60 йиллиги» колхози (раиси ўртоқ Т. Йўлдошев) 1408 ўринли мактаб қуриб берди. Фарғона область Ленинград районидаги Энгельс номли колхоз (раиси ўртоқ Б. М. Эргашев) мактабларга мунтазам ёрдам бериб келмоқда. Партия, совет органлари мактаб ишларига мана шундай муносабатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари ва ривожлантиришлари лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 2000 йилга бориб асосан бир сменали машғулотларга ўтиш вазифасини қўйди. Бу вазифани ҳал этиш учун биз қўшимча равишда 3 миллион ўринли мактаблар қуришимиз керак. Бунинг учун беш йилликнинг қолган икки йилида ҳар йили камида 1,3 миллион ўринли мактабларни ишга тушириш лозим. Шу муносабат билан республика Министрлар Совети ўртоқ С. У. Султонова мактабларнинг моддий базасини ривожлантириш программасини ишлаб чиқиши зарур. Агар бундай программаларни барча районлар, шаҳарлар ва областлар ишлаб чиқиб, ҳар бир корхона, хўжалик, колхознинг аниқ-равшан ҳиссасини белгилаб қўйса тўғри бўлади.

Биз моддий базани ривожлантирар эканмиз, мактабларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни унутишга ҳақли эмасмиз. Бу соҳада ҳам базавий корхоналар жуда самарали ва зарур ёрдамни беришлари мумкин. Тошкент тўқимачилик комбинати раҳбарияти мана шуларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш ва жамият учун шак-шубҳасиз фойда келтиришини давлат нуқтаи назаридан англаб мактабга эътибор билан қарамоқда. Тўқимачилар мактаблараро кабинетларда 6 та синфни замонавий станоклар билан ускуналадилар, мастерларни бириктириб қўйдилар. Бу ердаги ўқувчилар меҳнат кўникмаларини ўрганибгина қолмай, айни вақтда одамларга керакли маҳсулотни ишлаб чиқармоқдалар, меҳнатга олий маънавий қадрият, деб ҳурмат билан қарашни ўрганмоқдалар. Оталиқдаги мактабларни битириб чиққанларнинг тобора кўпчилиги корхонага ишга келаётганлиги шунинг табиий натижасидир. Бу тажриба бошқа ишлаб чиқариш коллективлари учун намуна бўлиши керак.

Мактабнинг моддий базаси, унинг таълим-методик, техник жиҳатдан таъминланиши ёш авлодга таълим ва тарбия бериш сифатини ҳал қилувчи даражада белгилайди. Бу соҳадаги аҳволни қаноатланарли, деб бўлмайди. Кўпгина ўқув юртлари ўз талабаларига фан асосларидан пухта билим бермаяптилар, уларга умумий маданиятни сингдирмаяптилар, уларга социал йўл-йўриқ бермаяптилар ва меҳнатга амалий кўникмаларни ҳосил қилмаяптилар.

Мактаб ўзининг бош вазифасини — болаларга ўқишни муваффақиятли давом эттириш, ишлаб чиқаришга қўшилиш имконини берадиган умумий таълим негизларини дурустроқ ўргатиш вазифасини ҳаддан ташқари суст бажараётганлиги ташвишли бир ҳолдир. Республиканинг кўпгина педагогика коллективларида ўқув жараёнининг йўлга қўйилиши даражаси пастлиги аввало ўқув юртларига кириш имтиҳонларининг якунлари билан тасдиқланади. Масалан, замонавий касбларни эгаллаш, мутахассислар тайёрлаш учун асос бўла оладиган физика-математика фанини олайлик. Ўрта мактабларни битириб чиқувчиларнинг камида учдан бир қисми математика соҳасида саводсиз деса бўлади. Тошкент халқ хўжалиги институтида математикадан кириш имтиҳони топширган олти мингдан ортиқ кишидан 4 мингга яқини ёки учдан икки қисми қониқарсиз баҳо олган, атиги 1,6 процентига «аъло» баҳо қўйилган. Фарғона политехника институти абитуриентларининг 50 проценти физикадан имтиҳон топшира олмади. Ваҳолонки, билетларнинг вариантлари марказий олий ўқув юртларига нисбатан енгиллаштирилган эди.

Мустаҳкам умумий таълим негизининг йўқлиги кадрлар таълими ва тайёргарлигининг шундан кейинги ҳамма бўғинларига жуда салбий таъсир қилмоқда. Тошкент автомобиль йўллари институтининг олтита группасида математикадан контрол ишларининг якунлари мана шундай, ҳаддан ташқари ташвишли бўлган паст натижаларни берди: студентларнинг 63 проценти олий математикага оид вазифаларни, 58 проценти эса ҳатто арифметикага оид вазифаларни еча олмади.

Бу гап бошқа ҳамма фанларга ҳам тааллуқлидир. Нукус университети рус тили ва адабиёти факультети IV курсининг студентларига саккизинчи синф ўқувчиларига мўлжалланган диктант ёзиш таклиф қилинди. Ҳар бир студент ўрта ҳисобда 25 тадан хато қилди. Тошкент область Янгийўл районининг бир қанча мактабларида ўқувчиларнинг учдан бир қисмига яқини ўзбек тилидан контрол ишларни бажара олмади. Армияга чақирилувчилар ҳисоб ҳужжатларини рус тилида ҳам, миллий тилда ҳам тўлдира олмайдиган ҳоллар учраб турибди.

Мана шуларнинг ҳаммаси таълимни тубдан қайта қуриш зарурлигидан, ўқитувчиларни илғор методика билан қуроллантириш кераклигидан далолат беради. Афсуски, халқ таълимимизнинг раҳбарлари О. С. Аббосова, Р. Ҳ. Жўраев, М. С. Салоҳиддинов ўртоқлар ҳозирча таълимнинг сифатида сезиларли ўзгаришларга эриша олганлари йўқ. Улар буйруқлар ва йўл-йўриқларнинг сеҳрли кучига кўр-кўрона ишонишдан қутула олмаяптилар, ўқув жараёнининг сифатига таъсир ўтказмайдиган кўпдан-кўп ва аксарият юзаки текширишлардан воз кечмаяптилар.

Таълим-тарбия жараёнининг эски, анъанавий шаклларига пардоз бериш йўли билан мактабни ислоҳ қилишга уриниш аслида истиқболсиз эканлигини ҳозир қатъий тушуниб олиш зарур. Ҳозирги вақтда таълимни қайта қуришнинг асосий йўналиши умри тугаган шакллардан ва усуллардан муросасизлик билан воз кечишдан, догматизм занжиридан қутулишдан, ижодий ёндашувнинг устунлигидан, халқ маорифини бошқаришни демократиялашдан иборат.

Ўқувчилар ва студентларни қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилар эканмиз, ўқув юртларини битирувчиларнинг билим даражасини кескин оширишга эриша олмаймиз деган гапларни тез-тез эшитишга тўғри келмоқда. Масаланинг шу тарзда қўйилиши жуда тўғри. Болалар мактабда, ёшлар олий ўқув юртларида сўзсиз ўқишлари керак, уларни ҳар қандай чалғитишга чек қўйиш лозим. Аммо ўқув юртларимизнинг иллати фақат шундан иборат эмас. Мактабда таълим ва тарбиянинг асосий формаси ҳисобланган дарс шу вақтга қадар ҳозирги талаблардан ғоят узоқда эканлиги ўқув юртларимиз фаолиятидаги энг танг жой бўлиб қолмоқда.

Ўрганилаётган материалларнинг мазмуни ҳаёт билан, ўқувчиларни меҳнатга ва ижтимоий-сиёсий практикага тайёрлаш билан яхши боғланмаяпти. Муҳими шундаки, таълим билан тарбия ўртасида ўзаро узвий боғланиш йўқ, педагогларнинг диққат-эътибори маълум миқдордаги билимларни етказишга қаратилмоқда, одатда маърифийликдан, иборат бўлиб қолмоқда.

Шу муносабат билан ўқитувчининг ролини, унинг профессионал тайёргарлиги ва педагогик маҳоратини ошириш алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Ўқитувчи — мактабни қайта қуриш калитидир. Бизда педагогиканинг чинакам усталари ва новаторлари жуда кўп. Болалар ва ота-оналар Хоразм областидан СССР халқ ўқитувчиси Марям Ёқубова, Самарқанд областидан Юрий Николаевич Крючков, Тошкент областидан Иззатулла Муҳамедов, Тошкент шаҳридаги 2-ўрта ҳунар-техника билим юрти ишлаб чиқариш таълими мастери Ирина Ивановна Чичкова ҳамда ўзларининг бутун билимларини, ҳаётий тажрибаларини ва қалб қўрини ўқувчиларга бағишлаётган жуда кўп бошқа педагоглар ҳақида илиқ сўзларни айтмоқдалар.

Ўқитувчи-ташкилотчи, илҳомлантирувчи кишидир, мактабда қайта қуришни бевосита амалга оширадиган кишидир. Унинг шахси, профессионал малакаси, маданий савияси, ниҳоят унинг қандай инсонлиги ўқувчилар қиёфасини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Бу исботлашга ҳожат бўлмаган ҳақиқат бўлса ҳам кўпгина шаҳарлар ва районларда ўқитувчилар ўзларида ана шундай фазилатларни тарбиялашда уларга ёрдам берилмаяптигина эмас, ҳатто улар ҳақида оддий ғамхўрлик ҳам қилинмаяпти. 23 минг нафардан ортиқ ўқитувчи, шу жумладан икки мингга яқин ёш мутахассис уй-жой шароитини яхшилашга жуда муҳтож. 9 минг ўқитувчи квартира олиш учун навбат кутмоқда. Улардан 5 минг нафардан кўпроғи хусусий квартираларда ижарага турибди.

Бу муаммо Фарғона, Тошкент, Андижон, Сирдарё, Жиззах областларида ва бошқа баъзи областларда жуда ўткир бўлиб турибди. Кўпгина ижроия комитетлар аслида бу муаммони тан олмаяпти. Сўнгги уч йил ичида область Советлари ижроия комитетларининг кўпчилиги педагог ходимларга тегишлича уй-жой шароити яратиб бериш, кооператив ва якка тартибда уй-жой қуришни кенгайтириш, ёшлар уй-жой комплекслари қуриш масалаларини умуман муҳокама қилмаган. Партия, совет органлари, халқ маорифи бўлимлари, касаба союзлари ўқитувчиларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини қондиришга, уларнинг меҳнат қилиш, ижодий ўсиш ва дам олиши учун барча зарур шароитларни яратишга етарли эътибор бермаётирлар.

Ўқитувчиларнинг эҳтиёжларига эътибор бермаслигимиз шунга олиб келмоқдаки, уларнинг кўплари мактабдан кетиб қолмоқдалар. Сўнгги икки йил ичида 23 минг ўқитувчи мактабни ташлаб кетди. Бизда ҳар йили 7,5 минг ўқитувчи етишмаётган бир пайтда ана шундай аҳвол юз берди. Масалан, Андижон областида ҳар йили 2000 педагог мактабни ташлаб кетишга мажбур бўлаётган экан, область раҳбарлари ва шахсан область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ж. Ҳасанов ўқитувчи кадрларни мустаҳкамлаш проблемасини қандай ҳал қилишмоқчи?

Ҳозир барча областларнинг раҳбарларига, биз ана шу саволни берамиз. Ўқитувчи — болаларимизнинг тарбиячисигина эмас, у барча ғоявий-сиёсий ва маданий-оммавий ишларда партия ташкилотларининг содиқ ёрдамчисидир. Бизнинг вазифамиз — ўқитувчи ижодкорлик билан ишлаши учун унга ҳамма шарт-шароитларни яратиб беришдан уни ўз ҳамкасбларининг, замонамиз педагогикасининг тажриба ва билимларини ўрганишига, ўз ўқувчиларига совет кишисининг энг яхши фазилатларини сингдиришига, уларни зарур билимлар билан қуроллантиришига даъват этишдан иборат.

Ўқитувчилар ижодкорлигини ривожлантириш ҳамда педагогика фаолиятининг янги форма ва методларини қидириш ва бу соҳадаги тажрибани қўллаб-қувватлаш халқ маорифи органлари ишида, маънавий ҳаётнинг мана шу муҳим соҳасига партиявий раҳбарликда норма бўлиб қолиши лозим. Ўқитувчиларга сезгирлик билан ва эътибор билан муносабатда бўлиш, новаторликни қўллаб-қувватлаш — педагогикани тўла куч билан ривожлантириш учун, мактабнинг ижодий ҳаёти учун энг зарур бўлган талаблардир.

Педагогика коллективлари ишидаги қолоқлик ва эскиликни қатъий тугатиш керак. Ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш ана шу мақсадга актив кўмаклашишга даъват этилган. Партия комитетлари, халқ маорифи органлари аттестациядан ўтказишни шундай ташкил қилишлари кераккки, бир томондан бу иш елкасига дўстона қоқиб, енгил-елпи суҳбат ўтказиш тусида бўлмаслиги, иккинчи томондан эса, янги йўлни қидираётган, камчиликларга қарши курашаётган кишиларга нисбатан холис бўлмаслик фактларини истисно этиши зарур.

Умумий таълим мактабини қайта қуриш бутун халқ маорифи ишини, фан-техника тараққиёти талабларига жавоб берадиган малакали ишчи ва мутахассис кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришнинг зарур шартидир. Бунда ҳунар-техника таълими системаси муҳим роль ўйнайди. Бу система республика учун ҳар йили 230 та мутахассислик бўйича аслида халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва соҳалари учун 160 мингга яқин ишчи тайёрлаб бермоқда. Шунга қарамай, бу соҳадаги иш бизни кўп жиҳатдан қаноатлантирмайди. Биз саноатнинг замонавий тармоқларида ишчилар, айниқса маҳаллий миллат ёшлари орасида ишчилар етишмаётганлигини қаттиқ сезиб турибмиз. Билим юртларимизни битириб ишлаб чиқаришга келган кишилар замонавий техника ва технологияларни билмасликлари, кўпинча эса уларда оддий меҳнат кўникмалари ҳам йўқлиги маълум бўлиб қолмоқда.

Ҳунар-техника билим юртлари структурасининг ўзи республика халқ хўжалигини ривожлантириш динамикасига зид келиб қолди. Бу билим юртларининг 60 процентдан кўпроғи, қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган. Уларнинг фақат 16 проценти қурилиш учун, атиги 22 проценти эса саноат учун мутахассислар тайёрлашга ихтисослаштирилган. Ҳолбуки, республикамизда қурувчилар, роботлаштирилган комплекслар, мослашувчи ишлаб чиқариш, рақамли программа билан бошқариладиган ускуналарда ишлаш учун кадрлар етишмаяпти. Рақамли программа билан бошқариладиган ускуналар эса бизнинг келажагимиздир. Тошкентдаги учта корхонанинг ўзидагина («Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида, трактор заводида, «Компрессор» заводида) беш йилликнинг охиригача ана шу турдаги станоклар сони ўн баравар кўпаяди.

Ҳунар-техника билим юртларининг кўпи ёмон жиҳозланган, машина-ускуналарнинг 60 проценти эскирган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган, 3 мингдан кўпроқ кабинет, мингта устахона ва лаборатория, юзлаб полигон, ва ўқув хўжаликлари, ётоқхоналар ва ошхоналар етишмаяпти. Энди бунга тоқат қилиб бўлмайди.

Буларнинг ҳаммаси, ўртоқлар, кўпгина министрликлар ва идоралар, корхоналар ва бирлашмаларнинг, улардаги раҳбарларнинг махсус ҳунар-техника билим юртларига истеъмолчилик, очиқдан-очиқ тайёрга айёрлик муносабатида бўлишлари натижасидир. Улар партия ва ҳукумат қарорларини менсимай, билим юртларини техника билан таъминлашдан ўзларини четга олмоқдалар. Масалан, Давлат агросаноат комитети ҳар йили Ҳунар-техника таълими давлат комитетига 290 та юк автомобили ва 30 та автобус ажратиши керак. Вазифа ҳал этилмаётгани етишмаётгандек ажратилаётган автомобиль ва автобусларнинг 65 проценти ишга мутлақо яроқсиздир. Масалан, Жиззах область Дўстлик районидаги 7-махсус ҳунар-техника билим юртида 309 ўқувчи учун 20 та ўрнига 3 та трактор бор, у ҳам бузуқ, шундай экан, кадрлар тайёрлаш сифати тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин.

Республика Қурилиш министрлиги ҳунар-техника билим юртини битириб ишга келаётганларнинг малакаси пастлигидан ҳақли шикоят қилмоқда. Лекин министр ўртоқ А. Г. Мананниковдан 25 та база билим юртининг машина-ускуналар, қурилиш материалларига эҳтиёжлари атиги 50 процент қондирилаётган бўлса, 11 та махсус ҳунар-техника билим юрти мослаштирилган биноларда жойлаштирилган, бутун беш йиллик давомида битта корпус ва устахона қуриш режалаштирилган бўлса, кадрларни чинакамига ўқитиб бўладими, деб сўраш ўринли бўлар эди.

Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлиги Ҳунар-техника таълими давлат комитетидан ҳар йили 300 га яқин малакали ишчи тайёрлаб беришни илтимос қилади. Бироқ, ўртоқ Р. Р. Юнусов бошчилигидаги министрлик корхоналарнинг илтимосига қарамай, Самарқандда база билим юртини ташкил этишдан воз кечди.

Бундай раҳбарларнинг партиявий ва гражданлик позицияларига фақат шундай баҳо бериш мумкин: улар ўзлари бошчилик қилаётган тармоқлар истиқболини ўйламайдилар, фақат шу кунги ташвишлар билан яшамоқдалар. Тор маҳкамачилик вазифаларини ҳал қилиш учун улар дунёнинг нариги томонидан ишчиларни ёллашга ҳам тайёрлар. Аммо ички кадрларнинг ёш авлодини тайёрлашдек серташвиш иш билан шуғулланишни хоҳламайдилар.

Қайта қуриш кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашга биринчи даражали эътибор беришни талаб қилаётганлигини қатъиян аниқлаб олиш зарур. Тошкент шаҳридаги 11-ўрта ҳунар-техника билим юрти ва «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси коллективлари ишчи кадрлар тайёрлашга давлат манфаатларини кўзлаб ёндашув намунасини кўрсатмоқдалар. Бу муҳим ишга Фанлар академиясининг институтлари, рақамли программа билан бошқариладиган станокларга техника хизмати кўрсатиш Тошкент маркази жалб қилинган. Бу эса малакали меҳнат коллективларини шакллантиришга, ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга ижобий таъсир қилмоқда.

Қардош иттифоқдош республикаларнинг Ўзбекистонга интернационал ёрдам анъаналари ҳозир янги мазмун билан боймоқда — улар кадрлар тайёрлашда ёрдам бермоқдалар. Ҳозир беш йилликда 25 минг нафар йигит ва қиз, асосан маҳаллий миллатга мансуб йигит ва қизлар РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССРдаги энг яхши ўрта ҳунар-техника билим юртларида таълим оладилар. Улар ана шу ерларда энг замонавий касбларни ўрганибгина қолмай меҳнатда пухта чиниқадилар.

Бизнинг вазифамиз индустриал ишчилар синфини тайёрлашнинг барча формаларидан янада самаралироқ фойдаланишдан иборат. Ишчи касб-корининг обрўйини ва социал аҳамиятини ҳар томонлама ошириш, фақат ишлаб чиқаришда эмас, ижтимоий ҳаётда ҳам уларнинг етакчилик ролини таъминлаш лозим. Бинобарин, партия, совет, хўжалик органлари ҳунар-техника таълими тўғрисида, ёш ишчилардан ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида фойдаланиш ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари керак.

Улар ишлаб чиқаришга келиб ишлаётган дастлабки пайтларда, ўз касбларининг барча сирларини ўрганаётган даврда уларга айниқса алоҳида ғамхўрлик қилиш лозим. Чунки дастлабки иш кунлари, ҳафталар ва ойларда эътиборнинг йўқлиги ёш ишчиларнинг салкам 30 процентини ишлаб чиқаришдан кетиб қолишга мажбур қилаётганлиги сир эмас. Комсомол эса (ўртоқ А. Носиров) ҳар бир ёш ишчи, ҳар бир мутахассис учун маъмурият билан олишиш ўрнига бундай аҳволга тоқат қилиб келмоқда.

Биздаги 250 та ўрта махсус ўқув юрти кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Улар ҳар йили 80 минг мутахассисга ҳаётга йўлланма бермоқда. Бироқ техникумлар ва педагогика билим юртларида ёшларнинг профессионал тайёргарлиги ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Ана шу категориядаги кадрларга эҳтиёжларни ҳисобга олиш чалкаштириб юборилган. Ҳар йили салкам 3 минг мактабгача тарбия мутахассислари ва салкам 2 минг бошланғич синф ўқитувчилари ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келмоқдалар. Республикада болалар боғчалари ғоят етишмай турган, болаларни олти ёшдан ўқитиш вазифаси қониқарсиз ҳал этилаётган пайтда ана шундай бўлмоқда. Халқ маорифини қайта қуришда, юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий мактаб алоҳида роль ўйнаши керак. 42 та олий ўқув юрти йилига салкам 50 минг мутахассис тайёрлаб беради. Уларга таълим беришда 20 минг ўқитувчи, шу жумладан 700 нафар фан доктори ва 8 мингдан кўпроқ фан кандидати банд бўлиб турибди.

Олий ўқув юртларида қайта қуриш қандай бормоқда? Баъзи ишларни бажаришга муваффақ бўлинди. Олий ўқув юртларининг 19 та филиали тугатилди, билимнинг сифати учун студентларга нисбатан талабчанлик анча оширилди. Ишлаб чиқаришда кафедраларнинг 60 та филиали очилди, 20 та ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, марказлари тузилди, кадрлар тайёрлашнинг шартнома шароитларига ўтишда дастлабки қадамлар қўйилди.

Шунга қарамай, ҳозирча олий мактаб ишида туб ўзгариш бўлгани йўқ. Марказий Комитет бюросида яқинда Тошкент политехника институти партия комитетининг иши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу муҳокама республикадаги кўпгина олий ўқув юртлари учун хос бўлган катта камчиликларни яққол кўрсатди. Бу камчиликларнинг моҳияти шундан иборатки, бўлажак мутахассисларга таълим бериш савияси, илмий тадқиқот ишлари даражаси жуда қониқарсиз. Иш шу даражага бориб етдики, ишлаб чиқариш коллективлари институтни битирганларни қабул қилишдан бош тортмоқдалар.

(Давоми учинчи бетда).

# Густав Гусак

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ЧКП XIV съезди 1971 йил майда ЧКП Марказий Комитетининг 1969 йил апрелидан кейинги сиёсий йўли тўғрилигини тасдиқлади ва Чехословакияда социалистик жамиятни бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантириш программасини ишлаб чиқди.

Съезд ўртоқ Гусакни ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади. 1971 йилдан 1988 йилга қадар у, шунингдек, ЧССР миллий фронти Марказий Комитетининг раиси лавозимини ҳам эгаллаб турди.

1976 йил апрелида ЧКП XV съездида, 1981 йил апрелида ЧКП XVI съездида ва 1986 йил мартида ЧКП XVII съездида ўртоқ Гусак яна Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига сайланди.

1975 йил май ойида ўртоқ Гусак Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти этиб сайланди. 1980 йилда яна ЧССР Президенти лавозимига сайланди ва 1985 йил 22 майда бу лавозимга қайта сайланди.

ЧКП XIV, XV, XVI ва XVП съездлари қарорларини актив амалга ошириш йилларида Чехословакия меҳнаткашлари ўз Коммунистик партияси раҳбарлигида ривожланган социалистик жамият қурилишининг ҳамма соҳаларида — экономика, маданият, маориф соҳасида ички ва ташқи сиёсатда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Қардош ЧССР халқининг ана шу барча муваффақиятлари партия ва ЧССР меҳнаткашларининг юксак обрў-эътибори ва ишончини қозонган Густав Гусак номи билан чамбарчас боғлиқдир.

1987 йил декабрь ойида ЧКП Марказий Комитетининг 7 пленумида ўртоқ Гусак ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари вазифасидан озод қилишларини сўради. Марказий Комитет унинг бу илтимосини қондиришга қарор қилди. Шу муносабат билан ўртоқ Густав Гусакнинг ЧКП Марказий Комитети Бош секретари лавозимида 18 йилдан кўпроқ вақт мобайнида амалга оширган ишларига юксак баҳо берилди ва республика Президенти лавозимида ЧКП Марказий Комитетининг Президиуми аъзоси сифатида у ўзининг бой тажрибасини бундан буён ҳам, ЧССРда социализмни янада ривожлантиришга актив кўмаклашади, деб ишонч билдирилди.

Ўртоқ Гусак кўпгина асарлар ва бир қанча китоблар авторидир. «Словакияда деҳқонлар масаласи хусусида»ги китоби, «Словакия миллий қўзғолонига оид далиллар» монографияси, танланган мақолалар ва нутқлар тўпламлари унинг энг муҳим ишлари жумласига киради.

Социалистик Чехословакия олдидаги жуда катта хизматлари ва ЧССРнинг чет мамлакатлари билан дўстлиги ва ҳамкорлигини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун ўртоқ Гусак Чехословакиянинг ва чет мамлакатларнинг кўпгина орденлари билан мукофотланган. Унга уч маротаба ЧССР Қаҳрамони унвони берилган. Ўртоқ Гусакнинг Совет Иттифоқи билан Чехословакия халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришдаги ғоят катта ролини ҳамда тинчлик ва социализмни мустаҳкамлаш ишига қўшган улкан ҳиссасини тақдирлаб, СССР Олий Совети Президиуми уни уч марта СССР Олий мукофот — Ленин ордени ва Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлаган. Ўртоқ Гусакка Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, унга Ленин ордени ҳамда, «Олтин Юлдуз» медали топширилган.

Ўртоқ Гусак Совет Иттифоқида кўп марта бўлган, бир неча бор СССРга келган ЧССР партия-ҳукумат делегациясига бошчилик қилган.

## СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

### ЎРТОҚ М. М. ОРИФЖОНОВНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Партия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитетининг биринчи секретари ўртоқ Маҳмуд Маъруфович **Орифжонов Халқлар Дўстлиги** ордени билан мукофотлансин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

**Москва, Кремль. 1988 йил 11 апрель.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ X ПЛЕНУМИ

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1988 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ЎРТА ВА ОЛИЙ МАКТАБНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲАМДА ҚАЙТА ҚУРИШНИ ИДЕОЛОГИК ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда).

Самарқанд архитектура-қурилиш институти, Андижон медицина институти, Низомий номидаги Тошкент педагогика институти каби бир қанча олий ўқув юртларида эса раҳбарият билан партия комитетлари таълим жараёнини қайта қуриш ва яхшилаш ўрнига бузғунчиликларни кўриб чиқиш билан банддирлар. Олий ўқув юртларимизда ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик, сотиб олиш, қариндош-уруғчилик ва юртдошлик алоқалари ҳали тугатилган эмас.

Ўқув юртларини бошқаришни демократиялаш жараёни бошланганлиги ва аввало барча даражадаги раҳбарларни сайлаб қўйиш, профессор-ўқитувчилар состави лавозимларини сайлаб қўйиш асосида конкурс йўли билан эгаллаш салбий ҳодисаларга қарши курашнинг, амалий, соғлом вазиятни қарор топдиришнинг таъсирчан воситасидир. Бизда мактаблар, олий ўқув юртлари раҳбарларини сайлашнинг дастлабки тажрибаси бор, бу тажриба умуман ижобий тажриба. Бироқ практика коллектив, унинг раҳбарлари, партия ташкилотининг социал етуклиги учун ана шу жиддий имтиҳондан ҳамма ҳам ўта олмаётганлигини кўрсатди.

Олий таълимни қайта қуришда студентларнинг ўзини-ўзи бошқарувига муҳим роль ажратилади. Ҳозир бу жараён муҳим тус олмоқда. Илмий кенгашлар аъзоларининг қарийб учдан бир қисми студентлардир. Бу демократиялашнинг яққол кўзга ташланадиган элементи бўлиб, у олий ўқув юрти иши сифатини оширишга ижобий таъсир қилмоқда. Лекин кенгашлар составига ўз ўртоқлари томонидан кўрсатилган, ўзининг янги ролини тушуниб етадиган студентларнинг ҳақиқатан ҳам энг обрўли намояндалари сайланиши керак. Бу партия ва комсомол комитетлари бажарадиган ишдир.

Олий ўқув юртларида қайта қуришни авж олдириб юбориш, мутахассислар тайёрлашни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий даражасини юксалтириш, унинг самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал этишга олий мактабнинг илмий имкониятларини жалб қилиш зарур.

Бунинг учун бир қанча принципиал масалаларни, албатта, ҳал этишга тўғри келади. Энг аввало, олий ўқув юртларининг структурасини республика эҳтиёжларига мувофиқлаштириш керак. Бизда заифлиги аниқ кўриниб турган ва истиқболи йўқ факультетлар, кафедралар ва ҳатто олий ўқув юртлари бор. Уларга нисбатан биз маҳаллий манфаатлар нуқтаи назаридан эмас, балки давлат нуқтаи назаридан қарашимиз лозим. Уларни замонавий талаблар даражасига кўтариш мумкин бўлса — бу ишни тезроқ бажариш лозим. Агар мумкин бўлмаса, қийин бўлса ҳам узил-кесил қарор қабул қилиш — уларни тугатиш ёки турдош институтлар билан бирлаштириш зарур.

Олий ўқув юртларида таълим ва илмий-тадқиқот жараёнлари жуда ёмон таъминланган. Масалан, Тошкент давлат университетида ЭҲМ бошқариш пульти олдидаги бир иш жойига 180—200, Нукус давлат университетида 300—400 студент тўғри келади. Ҳолбуки, мамлакатимиздаги етакчи олий ўқув юртларида бундай иш жойига 20—25 студент тўғри келади. Таъминот органлари аҳволни қатъий ўнглаш йўлини топишлари лозим. Практика бу аҳволдан қутулишнинг бошқа ғоят самарали йўлини кўрсатмоқда: бу йўл олий мактабни фан ва ишлаб чиқариш билан боғлашдир. Таълим, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жараёнларини бирлаштириш йўлидир.

Партия, совет ва хўжалик органлари олий ўқув юртларининг эҳтиёжлари билан аниқ-равшан ва самарали шуғулланишлари лозим. Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг тақдири ана шундай ишчанлик билан, давлат манфаатларини кўзлаб ёндашув етишмаётганлигидан далолат бериб турибди. Ғояга кўра бу институт рус тили ва адабиёти ўқитувчилари тайёрлаш ҳамда рус тилини ўқитишнинг замонавий методикасини ишлаб чиқишнинг регионал марказига айланиши керак эди, лекин институтда кадрлар тайёрлаш учун ҳеч қандай шароит йўқ, бинолар билан атиги 18 процент таъминланган. Министрлар Совети бу масалани бир неча марта кўриб чиқди ва ўтган йилнинг августида «Узоргтехстрой» ва «Уздорремпроект»нинг қурилаётган биноларини институтга олиб берди. Бу бинолар 10 йилдан буён қурилмоқда, капитал маблағларнинг атиги 44 проценти ўзлаштирилган, сўнгги икки йил ичида бу ерларга умуман қурувчиларнинг қадами етгани йўқ.

Энди бундай бўлиши мумкин эмас. Агар биз рус тилини ўрганиш муаммосини ҳал қилиш билан ҳақиқатан ҳам жиддий шуғулланмоқчи бўлсак, келинглар, буни биз олдин ана шу ўз моҳияти жиҳатидан хўжалик вазифаси эмас, балки ижтимоий-сиёсий вазифани ҳал этишга муносабатимиз намунасида исбот қилайлик.

Олий ўқув юртларига кирувчиларнинг тайёргарлиги бўшлигини ҳисобга олиб, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти тажрибасига эътибор бериш керак. Институт партия комитети, ректорати вазифани ҳал этишнинг ностандарт йўлларини изламоқдалар, нима қилиб бўлса ҳам студентлар қабул қилиш планини бажаришга ҳаракат қилмай, балки яхши тайёргарлик кўрган ёшлар келишини таъминлашга уринмоқдалар. Тажриба тариқасида институт ҳузурида бўлажак абитуриентларни тайёрлаш мақсадида умумий таълим мактабининг иккита ўнинчи синфи ишлай бошлади. Ўқувчилар ётоқхона, имтиёзли овқатланиш билан таъминланганлар. Уларга мактаб программасини ўзлаштириш ва асосий фанлар негизларини ўргатишни қўшиб олиб бориб, таълим бермоқдалар.

Аммо энг муҳими олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар составининг малакасига, илмий савиясига ва ижодий потенциалига боғлиқ, албатта. Бу ерда ҳали илмий-тадқиқот билан йиллаб шуғулланмаётган малакасиз ўқитувчилар бор. Ҳолбуки, фан билан шуғулланмай қўйган ўқитувчи ўсмаслиги, студентларга ижодий билим беришга қодир эмаслиги яхши маълум. Олий ўқув юртидаги сийқалик, ғўрлик жамиятга жуда қимматга тушмоқда. Демак, аттестациялар, конкурслар ўтказиш керак. Таълим сифатини оширишнинг республикадаги олий ўқув юртлари ва мамлакатнинг етакчи олий ўқув юртлари ўртасида ўқитувчиларни айирбошлаш формаси ҳам самарали бўлади. РСФСР, Украина ва бошқа республикаларнинг олий ўқув юртларидан курсларни ўқиш, махсус семинарларни, айниқса, фандаги янги йўналишлар бўйича семинарларни олиб бориш учун таниқли олимларни таклиф қилиш лозим. Ўқитувчиларимизнинг мамлакатимиздаги энг яхши олий ўқув юртларида стажировкадан ўтишини ҳам практикага кенг жорий этиш керак.

Юқори малакали ишчилар ва мутахассислар тайёрлаш муаммосининг яна бир муҳим жиҳати бор. Гап қандай кадрлардан қанча тайёрлаш кераклиги, ўқув юртларини қаерда жойлаштириш ва ниҳоят мутахассисликлар структураси қандай бўлиши кераклиги ҳақида бормоқда. Бу масалаларнинг ҳал қилинмаганлиги шунга олиб келмоқдаки, бир қатор мутахассислар айни бир пайтда республикадаги ҳамма олий ўқув юртларида озоздан бўлса ҳам тайёрланмоқда. Бунинг устига олий ўқув юртларимиз, техникумларимиз, ҳунар-техника билим юртларимиз ҳозирги вақтда талаб унча кўп бўлмаган мутахассисларни юзлаб, минглаб тайёрлаб бермоқдалар, айни бир вақтда республика халқ хўжалигининг ривожланаётган тармоқларига мутахассислар етказиб бермаяптилар. Госплан Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети билан биргаликда шу йилнинг ўзидаёқ республика халқ хўжалигининг аниқпухта касб-ҳунар-малака характеристикасини тузиб чиқиб, шу асосда кадрларга буюртма аниқ бўлишини таъминлашди. Маориф министрлиги эса олий ўқув юртлари, техникумлар, билим юртлари ва улардаги мутахассисларни тартибга солиши зарур.

Ўртоқлар! Жамиятимиз ҳамма соҳаларини янгилашнинг жадал суръатлари кадрлардан катта сафарбарликни, ўз билимларини мунтазам янгилаб боришни, профессионал тайёргарлик даражасини оширишни талаб қилади. Шу боисдан кадрлар малакасини мунтазам ошириш зарурлиги ҳақидаги масала ҳар қачонгидан ҳам ўткир қилиб қўйилмоқда. Гап аслида барча категориядаги ходимларга узлуксиз таълим бериш ва уларни қайта тайёрлашнинг яхлит системасини яратиш ҳақида бормоқда.

Бунда кечки ва сиртқи ўқиш муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган студентлар билан энг яхши педагог кадрлар иш олиб боришлари керак, ҳозир эса одатда бунинг акси бўлмоқда. Кечки ва сиртдан ўқийдиган ёшлар ўз билими билан дипломни оқлашлари керак. Практика билан алоқа, олинган назарий билимларни ишлаб чиқаришдаги ишларда мужассамлаштириш уларнинг имтиёзидир. Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги кечки ва сиртқи ўқишни ташкил этишни қайта кўриб чиқиши зарур.

Таълим ва тарбиянинг мураккаб ҳамда кенг кўламли вазифаларини ҳал этишда педагогика фани ўзининг салмоқли сўзини айтиши лозим. Бу соҳада бизда Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, олий ўқув юртларининг олимлари, республика Фанлар академияси иш олиб бормоқда. Бу фан билан шуғулланувчилар кўп, лекин ана шу долзарб масалаларга оид асарларнинг кўпида янгича ёндашувлар йўқ, маълум бўлган, кўп жиҳатдан эскириб қолган қоидалар такрорланмоқда.

Ҳозирги замон ишлаб чиқаришини ривожлантириш динамикаси ишчилар ва мутахассислардан мавжуд профессионал билим ва кўникмаларини узлуксиз тўлдириб ва янгилаб боришни талаб қилмоқда. Бу вазифани малака ошириш курслари ва институтлари ҳал қилмоқда, уларни ҳар йили салкам 900 минг киши битирмоқда. Лекин уларнинг идоравий тарқоқлиги иш самарадорлигини анча пасайтирмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорга мувофиқ министрликлар ва идоралар кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш формаларини қайта кўриб чиқиб, уларни республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги бошчилигидаги ягона системага бирлаштиришлари зарур. Партия комитетлари бу муҳим вазифани ҳал этишни қаттиқ талаб қилишлари керак.

Ўртоқлар! Кўриб турибсизки, ўрта ва олий мактабни ислоҳ қилиш муаммолари педагогика ишлари доирасидан анча ташқарига чиқади. Аслини олганда, гап қайта қуришнинг энг муҳим асосий бўғини ҳисобланган одамларга таълим ва тарбия беришнинг бутун системаси тўғрисида бормоқда. Масалани бу тарзда қўйиш партиявий раҳбарлик даражасини қатъиян оширишни талаб қилади.

Партиявий раҳбарлик таълим ва тарбия жараёнларига маъмуриятчилик билан аралашишдан, , педагогик коллективлар ва профессор-ўқитувчилар коллективи фаолиятини ўзбошимчалик билан чеклаб қўйишдан иборат эмас. Бу соҳанинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, унга ўқувсизлик билан ҳар қандай ёндашишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бизнинг биринчи галдаги вазифамиз — партиявий таъсирни кучайтириб, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар ва олий ўқув юртлари партия ташкилотларининг роли ва жанговарлигини оширишдан иборат.

Ҳозир халқ маорифи системасида 64 мингдан ортиқ коммунист ишламоқда, бу бутун республика партия ташкилотининг ўндан бир қисмидир. Улар олти минг партия ташкилотига бирлашган. Бу бутун таълим-тарбия ишларини қайта қуришни йўналтириб туришга, умумпартиявий, умумхалқ аҳамиятига эга бўлган муҳим ишда намуна кўрсатишга қодир бўлган катта кучдир. Аммо Марказий Комитет, область, шаҳар, район партия комитетлари, шунингдек совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органлари унга доимий эътибор бериб, ёрдам ва мадад кўрсатган тақдирдагина ана шундай куч бўла олади.

Ҳолбуки, партия комитетларида халқ маорифига ана шундай муносабат етишмаяпти. Уларнинг кўплари студентлар ва мактаб ўқувчиларини қишлоқ хўжалик ишларига сафарбар этиш масаласи пайдо бўлгандагина ўқув юртларини эслайдилар. Область, шаҳар, район партия комитетлари ўрта ва олий мактабни ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқадиган ўша камдан-кам ҳолларда ҳам улар ўқув юртларининг ишини юзаки таҳлил қиладилар, қабул қилинган қарорлар сийқа, умумий гаплардан иборат бўлади, белгиланган ишларни бажариш зарур чораларни амалга ошириш билан мустаҳкамланмайди.

Масалан Самарқанд область партия комитети бюроси (секретарь ўртоқ Ф. А. Шукурова) ўтган тўрт йил ичида мактаб ислоҳотининг бориши масаласини атиги икки марта муҳокама қилди. Моддий-техника базасини мустаҳкамлашдаги ўпирилишлар учун, ўқув-методика ишларидаги камчиликлар учун ҳеч кимдан жавобгарлик талаб қилинмади, ҳеч кимнинг зиммасига масъулият юкланмади. Шу сабабли бу ерда мактаб ишларида ҳам, олий ўқув юртлари фаолиятида ҳам жиддий нуқсонлар ва салбий ҳодисалар кўплигига ажабланмаса ҳам бўлади. Ҳолбуки, область ўқув юртларининг сони жиҳатдан республикада иккинчи ўринда туради.

Бухоро область партия комитети халқ маорифи эҳтиёжларига лоқайдлик билан қараб, принципсизларча муносабатда бўлмоқда. Область партия комитетининг секретари ўртоқ С. Н. Бахронова кўпгина корхоналар амалий малакаси жуда пастлиги учун Бухоро технология институтини битирувчилардан ўз мутахассислиги бўйича фойдаланишдан бош тортаётганликлари каби ташвишли фактни мутлақо сезишмаяпти.

Қорақалпоғистон область партия комитетида ҳам, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг фан ва ўқув юртлари бўлимида ҳам Нукус давлат университетидаги катта камчиликлар тўғрисида кўп гапирилди. Бу ўқув юртига автоном республика партия органлари ва айниқса, область партия комитетининг секретари ўртоқ М. К. Аралбоев жуда катта эътибор бериши лозим эди. Аммо университет партия йиғилишида коллективнинг олий таълимни қайта қуриш хусусидаги вазифалари муҳокама қилинган пайтда шу ерда ҳозир бўлган 150 кишидан бор-йўғи тўрт киши сўзга чиқди, улар ҳам ишдаги ҳеч қандай камчиликларни очиб ташламадилар ва ҳеч қандай аниқ таклиф киритмадилар. Нукус шаҳар партия комитети билан Қорақалпоғистон область партия комитети эса тадбир ўтказилди, деб қайд этишди.

Халқ маорифи системасини бошқа соҳаларда ишни барбод қилган, энг ёмони эса обрўсини тўкиб қўйган кадрлар билан тўлдириш каби яроқсиз практикага чек қўйилгани йўқ. Масалан, Хоразм область партия комитети ишдаги катта камчиликлари учун ҳунар-техника таълими область комитетининг бошлиғи ўртоқ Л. Асқаровани ишдан бўшатиб, уни область халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосарлигига тавсия қилишдан бошқа яхшироқ йўл тополмади. Қашқадарё область партия комитети шаҳар партия комитетининг собиқ секретари Р. Аминова ўзига топширилган соҳага раҳбарликни таъминлай олмаганини тан олиб, уни педагогика билим юрти директори қилиб тасдиқлашни лозим топди. Сурхондарё областида салбий сабабларга кўра ишдан бўшатилган ўқув юртларининг 13 раҳбаридан 9 нафари ҳали ҳам раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турибди.

Ана шу ва бошқа камчиликлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фан ва ўқув юртлари бўлими ҳамда шахсан унинг мудири ўртоқ Н. Т. Тўхлиев халқ маорифига раҳбарлик қилишда расмиятчиликка йўл қўяётганлигини кўрсатиб турибди. Бўлим ўрта ва олий мактабни ислоҳ қилишнинг кўпгина масалаларини коллегиал органлар муҳокамасига киритди, яхшигина қарорлар қабул қилинди. Аммо энг муҳим ишга — қабул қилинган қарорларни бажариш, режалаштирилган ишларни охирига етказиш юзасидан ташкилий ишларга келганда, бунга бўлимнинг қўли тегмаяпти. Бўлим ходимлари халқ маорифи органларида кадрлар сиёсатини ўтказишда ҳам қатъий позицияда турмадилар.

Марказий Комитетнинг база корхоналарининг ўзларига бириктирилган мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларига ёрдам бериши, мактаб ўқувчилари ва студентлар овқатланишини ташкил этиш юзасидан чиқарган қарори бажарилмаётган экан, бунга Марказий Комитетнинг тармоқ бўлимлари — қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати, оғир саноат ва машинасозлик, қурилиш ва шаҳар хўжалиги, транспорт ва алоқа, енгил саноат ва халқ истеъмол моллари, савдо ва маиший хизмат бўлимларининг эътиборсизлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Область партия комитетлари, Марказий Комитетнинг ташкилий-партиявий ишлар бўлими нима учун бир қанча районларда педагогика коллективларида партия аъзолари сафи камайиб кетганлигини, республика мактаблари ҳамда ҳунар-техника билим юртларининг учдан икки қисмида, Сирдарё, Сурхондарё, Навоий областларида эса мактабларнинг деярли ярмида нима учун партия ташкилотлари йўқлигини таҳлил қилиб чиқиши зарур. Шу билан бир вақтда Қашқадарё областидаги Чироқчи районида сўнгги беш йил ичида халқ маорифи ходимларидан 32 киши партияга қабул қилинган бўлса, шундан атиги 12 киши ўқитувчи, кўпчилиги — бухгалтерлар, кассирлар, болаларга таълим ва тарбия беришга бевосита алоқадор бўлмаган бошқа касб вакилларидир.

Хуллас, ўртоқлар, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш ҳақида ғамхўрлик қилиш бизнинг умумпартиявий ишимиздир. Бу иш билан чинакам партиявий тарзда — чуқур, малакали, принципиал ва доимий шуғулланиш керак.

Ўрта ва олий таълимни қайта қуришдан мақсад ёшларнинг билим ва касб даражасини оширишдангина иборат эмас. Қайта қуриш айни бир вақтда чинакам совет гражданларини, революцион анъаналарни давом эттирувчиларни, партия сиёсатини тушунадиган, уни ҳимоя қилишга ва ўтказишга қодир бўлган серғайрат кишиларни тарбиялаш вазифасини ҳал қилиши керак.

Республикамиз ёшлари ўз оталари, кейинги авлод бошлаган ишни давом эттиришда фаол қатнашмоқдалар. Улар социалистик қурилишнинг ҳамма соҳаларига сезиларли ҳисса қўшмоқдалар. Улар асосан чинакам гражданлар, ҳақиқий ватанпарварлардир. Бироқ ёшлар орасида кўзга ташланаётган ижтимоий-сиёсий пассивлик, ишончсизлик кўринишларини, маънавий мезонлар пасайганлигини, ибтидоий маънавий қадриятларга мойилликни сезмаслик мумкин эмас.

Халқ маорифи органлари ҳам, партия ва комсомол комитетлари ҳамда ташкилотлари ҳам мактаблардаги, ҳунар-техника билим юртларидаги, техникумлардаги ва олий ўқув юртларидаги тарбиявий жараёнга дуруст эътибор бермаётганликларини тўғридан-тўғри тан олиш керак. Кўпгина мактабларда тарих, адабиёт дарслари аниқ-равшан инсонпарварлик руҳида, социал-синфий йўналишда ўтказилмаяпти, табиий-илмий фанлар материалистик дунёқарашни тарғиб қилиш билан чамбарчас боғлаб ўқитилмаяпти. Рус ва ўзбек тилларида ўқитиладиган аралаш мактаблар сони сунъий равишда чеклаб қўйилганлиги интернационал тарбияга ёрдам бермайди. Жамиятшунослик ўқитувчилари орасида зарур билимга ва муносиб аҳлоқий-сиёсий фазилатларга эга бўлмаган тасодифий кишилар оз эмас. Улар орасида бир ярим мингдан кўпроқ киши тўлиқсиз олий маълумотли, 715 киши эса фақат ўрта маълумотлидир. Натижада мактабларни битириб чиққан кўпгина йигит-қизлар ижтимоий тараққиёт қонунларига оид энг оддий билимларга ҳам эга эмаслар, социал турмуш нималигини яхши тушунмайдилар.

Олий ўқув юртларида ижтимоий фанларни ўқитишнинг сифати алоҳида ташвиш туғдирмоқда. Зеро институтни битириб чиққан киши шунчаки малакали мутахассис бўлибгина қолмай, аввало сиёсий жиҳатдан саводли, ғоявий жиҳатдан етук гражданин, илғор мафкура ва маданият соҳиби бўлиши керак.

Аммо ижтимоий фанлар кафедраларида таълим-тарбиявий ва илмий ишнинг йўлга қўйилиши шу талабларга жавоб бермайди. Бир қанча институтларда лекциялар ва амалий машғулотлар ғоявий-назарий ва методик жиҳатдан паст савияда, догматик ва қироатхонлик руҳида ўтмоқда, студентларнинг сиёсий онгини ва ғоявий эътиқодини ривожлантиришга кўмаклашмаяпти.

Аҳвол мана шундай бўлгач, Самарқанд университетида саволларга жавоб қайтарган студентларнинг 42 проценти худога ишонишини, 40 проценти диний маросимларга ижобий назар билан қарашини айтганига ажабланишнинг ҳожати йўқ. Бухоро технология институтида ҳам тахминан мана шундай манзара аниқланди. Бу ерда муаллимларнинг муайян бир қисми орасида миллатчилик оғмачилиги руҳидаги сиёсий ғўр кайфиятлар аниқланганлиги тасодифий ҳол эмас. Бунга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Тошкент медицина институтидаги илмий коммунизм ва КПСС тарихи кафедраларига, Ўрта Осиё педиатрия институтидаги сиёсий иқтисод кафедрасига малакасиз раҳбарлик қилинаётганлиги бир йилдан кўпроқ вақт муқаддам Марказий Комитетда ўтказилган кенгашда танқид қилинган эди. Бироқ шу вақтга қадар у ерда сезиларли ўзгариш рўй бермади. Кўпчилик коллективлар фақат бир миллат вакилларидан иборат, коллектив аъзолари эса пенсия ёшига яқинлашиб қолганлигини нормал деб ҳисоблаш қийин. Ижтимоий фанлар муаллимларининг қарийб чорак қисми партиясизлар эканлиги мутлақо нормал бўлмаган бир ҳолдир, албатта. Агар Пленум Марказий Комитетнинг фан ва ўқув юртлари бўлимидан область ва шаҳар партия комитетлари билан биргаликда ҳар бир олий ўқув юртидаги аҳволни партиявий, интернационалистик позицияларида туриб, синчиклаб ўрганиш ва жамиятшунослик кафедраларини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини қатъиян яхшилаш чораларини кўришни талаб қилса, тўғри бўлади.

Хўжалик механизмини қайта қуриш биздан мактабларни, ҳунар-техника билим юртларини ва олий ўқув юртларини битириб чиққан кишиларнинг бошланғич иқтисодий тайёргарлиги масалаларига ҳам эътиборни кучайтиришни талаб қилади. Улар хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи пул билан таъминлаш нималигини билишлари, келгуси ишда иқтисодий категориялардан амалий равишда фойдаланаоладиган бўлишлари керак.

Ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишини жиддий равишда кучайтириш зарур. Бу — халқ маорифи органлари, комсомол, ДОСААФ ва ҳарбий комиссариатларнинг энг муҳим вазифаси ва шон-шараф ишидир. Бу ишда запасдаги жангчиларнинг, интернационалистлар, ветеранларнинг тажрибаси ва билимидан активроқ фойдаланиш лозим.

Мактаб бошқа ўқув юртлари билан оиланинг алоқасини мустаҳкамлаш, болалар тарбияси учун ўқитувчиларнинг ҳам, муаллимлар, профессорлар ва ота-оналарнинг ҳам масъулият меъёрини ошириш бениҳоя муҳимдир. Аҳоли орасидаги педагогика билимлари асосларини кенг миқёсда тарғиб қилиш, тарбиячилик кўникмаларини сингдириш керак. Оммавий педагогика умумий таълими зарур, у маориф воситасигина бўлиб қолмай, шу билан бирга аҳолига мафкуравий таъсир ўтказишнинг самарали усули ҳам бўлиб қолиши, атеизм ва ахлоқ, қарши пропаганда, турмуш ва муомала маданияти, гигиена ва санитария ҳамда шу каби масалаларни қамраб олиши ҳам лозим.

Ёш авлодни тарбиялаш — мураккаб, кўп қиррали жараён, шу сабабли бу ишни самарали қилиш, совет кишисининг олий муддаосини, социализмнинг юксак инсонпарварлик мақсадларини ўзлари кўришлари ва ёшларга тушунтириб беришлари — партия ташкилотлари, барча коммунистларнинг вазифасидир.

## ҚАЙТА ҚУРИШНИ ИДЕОЛОГИК ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан ва партия XXVII съездидан кейин турмушимизда рўй бераётган ўзгаришларни идрок этиш, қайта қуриш давомида вужудга келган янги вазифаларни илгари суриш — мана шуларнинг ҳаммаси мамлакат, республика, ҳар бир коллектив ва ҳар бир кишининг турмушига зўр интеллектуал, маънавий омил бахш этганини биласизлар, ўртоқлар. Ҳозир экономикада, маданиятда, социал ва сиёсий соҳада тузатишни, янгича ёндашувларни, беқиёс ўсган талабларни эътиборга олиб ҳал қилишни тақозо этадиган бирталай масалалар пайдо бўлди. Бироқ қандай бўлмасин, инсон, унинг сиёсий, интеллектуал, маънавий даражаси, унинг ватанпарварлиги ва интернационализми, гражданлик позицияси ва фаоллиги ўзгармас, белгиловчи омил бўлиб қолмоқда.

Партия маънавий соҳада давом этаётган, уни поклаш ва бойитишга, маънавий кучни ва онгли потенциални ўстиришга кўмаклашадиган жараёнларга ғамхўрлик, билимдонлик билан ва олисни кўзлаб муносабатда бўлиш йўлини қатъият билан ўтказа бошлади. Танқид учун тақиқланган зоналар ва мавзулар тугаб бормоқда. Нуқтаи назарлар жўшқин ва эркин таққосланмоқда. Пропагандага, ахборот манбаларига ишонч ошмоқда. Янгича тафаккур қолоқликка қарши қийин курашда шаклланмоқда. Ақидалар ва сийқаликлардан изчиллик билан халос бўлаётган ижтимоий онгда ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Кенгайиб бораётган ошкоралик ва демократия шароитида пропаганда ишининг тажрибаси тўпланмоқда.

Бироқ, Михаил Сергеевич Горбачев республика активлари билан учрашувда таъкидлаганидек, янгича тафаккурни эгаллаш жараёни, онгни қайта қуриш ҳаддан ташқари секинлик ва қийинлик билан бормоқда. Партия комитетлари, идеология муассасалари одамлар билан ишлашда догматизм ва маъмуриятчиликдан, турғунлик даврига хос услублар ва усуллардан ҳозирча дадил ва кескин халос бўлмаяптилар. Кўпинча янги вазифаларни эски воситалар билан ҳал этишга уринмоқдалар. Ялпи ёндашув деган иллат зудлик билан бартараф этилмоқда. Тарғибот ва тарбия ҳали ҳам иқтисодий ислоҳот билан, ўткир социал муаммолар билан, одамларнинг ҳаёт фаолиятлари шароитлари билан етарли равишда боғланмаяпти. Демократия, ошкоралик, бемалол фикрлашиш йўлида ҳали тўсиқлар кўп.

Одамларга ишонч, ғайриодатий ишларга сабр-тоқат, хайрихоҳлик, ташаббус ва новаторликни рағбатлантириш, талантларни қўллаб-қувватлаш — қайта қуришнинг маънавий соҳасида партиявий ишнинг энг муҳим принципларидир. Бу ўринда гап ана шу соҳадаги жараёнларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, мафкурамиз ва ахлоқимизга зид ҳодисаларга йўл қўйиш ҳақида бораётгани йўқ, албатта. Буни эслатишга тўғри келаётганининг сабаби шуки, халақит берувчи кучлар бюрократик аппарат даргоҳи билангина чекланмайди. Граждан нурсизлиги, тафаккурнинг мустақил эмаслиги, масъулиятсизларча сафсатабозлик, сўз билан ишнинг бир ердан чиқмаслиги идеология соҳасида ҳам мавжуд, партия комитетлари ва ташкилотларининг фаолиятида ҳам барҳам топган эмас.

Мафкуравий таъсир воситаларининг ҳаммасини қатъият билан янгилаш зарур. Марксча-ленинча таълим системасида, оғзаки ва матбуот пропагандасида, адабиёт ва санъат арбобларида партия билан халқ ҳал этаётган вазифаларнинг бутун мураккаблигини кўрсатиб бериш маҳорати етишмаётир. Баъзи бировлар шов-шувларга берилишдан ўзларини тияолмаётирлар, ўтмиш ва ҳозирги воқеаларга юзаки, пухта ўйламасдан баҳо бериш дардига мубтало бўлганлар. Баъзан айрим шахслар ва воқеаларнинг роли ўзбошимчалик билан, етарли даражада синфий ёндашилмаган ҳолда талқин этилаётир. Илмий муҳитда, ижодий союзларда, театрларда, газета ва журналларнинг редакцияларида гуруҳбозлик элементлари намоён бўлмоқда. Биз ҳаддан ташқари катта нарсаларни кутаётган, бир зарб билан ўзгаришларга эришишни истаётган кишиларга ҳам дуч келаётирмиз. Эски одатлар билан яшаши осонроқ бўлган, демократия ва ошкораликни чеклашга интилаётган кишилар ҳам оз эмас.

Қайта қуриш тўлқини юзасида кўпик сингари вужудга келаётган айрим носоғлом ҳодисалар жиддий ташвиш туғдирмоқда. Сиёсий жиҳатдан етук бўлмаган айрим шахслар ҳақиқатан ҳам жиддий бўлган демографик вазият муаммоларига, Орол тақдирига, экологик вазиятга бир томонлама ёндашиб, баъзан бу муаммоларни қурол қилиб олиб, аҳволни ишчанлик вазиятида таҳлил қилиш ўрнига жазавага тушиб, эҳтиросларни авж олдирмоқдалар.

Шуни айтиб ўтишим зарурки, ҳозир иттифоқ органларида бизнинг бевосита иштирокимизда Орол денгизини тиклашнинг турли вариантлари ишлаб чиқилаётир. Бошқа муаммоларни ҳам ҳал этиш йўллари қидирилаётир.

Баъзан ёт унсурлар овозига тақлид қилиб, ўзбек миллий маданияти гўё хавф остида қолаётганлиги ҳақида оҳ-воҳлар айтилмоқда. Кўпгина ўртоқлар матбуотнинг ҳар қандай танқидий чиқишига жиззакилик билан муносабатда бўлиб, бутун эътиборни айрим, етарли даражада текширилмаган гапларга қаратмоқдалар. Биз ҳаммамиз ўзимизда сиёсий маданиятни — мунозара маданиятини, фикрлар хилма-хиллигини, энг жиддий муаммоларни ҳам ошкора муҳокама қилиш кўникмасини тарбиялашимиз зарур. Муҳокама ва мунозараларда шахсий ёки гуруҳ манфаатларини юқори қўйиш, беўрин шубҳа, ёппасига қоралаш, ёрлиқлар осиш бўлмаслиги керак.

Идеологик ва ташкилотчилик ишларини реал муаммолар билан мустаҳкам боғлаш, қуруқ сафсатабозлик ва насиҳатгўйликдан қутилиш, бу ишни инсонга яқинлаштириб, ижтимоий пассивликни бартараф этиш, оммани турмушнинг ҳамма томонларини янгилаш учун курашга отлантириш, том маънода отлантириш керак.

Бу жиҳатдан республикадаги тобора кўпроқ корхоналар, ташкилотлар, тармоқлар ва бутун-бутун соҳалар меҳнат коллективларини қамраб олаётган туб иқтисодий ислоҳот янги имкониятларни яратмоқда ва айни вақтда янги талаблар қўймоқда. Хўжалик ҳисоби, бригада ва оила пудрати, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш минглаб ва миллионлаб меҳнаткашларни амалий қайта қуриш жараёнига жалб қилмоқда. Энди улар ишлаб чиқаришда социалистик тартиб ўрнатишдан бевосита манфаатдордирлар ва давлат корхонаси ҳақидаги қонун уларга берган ҳуқуқлардан фойдаланиб, курашга фаол қўшилмоқдалар, ташаббус ва куч-ғайрат кўрсатмоқдалар.

Буни собитқадам ташкилотчилик ва идеология ишлари билан қўллаб-қувватлаш ва кўп карра ошириш керак. Бунинг учун рўёбга чиқарилаётган ислоҳотнинг моҳияти ва вазифаларини ҳар бир киши онгига етказиш, уни амалга оширишда ўз ўрнини белгилаб олишга кўмаклашиш, оммани экономика асослари билими билан қуроллантириш, меҳнатнинг пировард натижалари учун моддий ва маънавий масъулиятни англашда ёрдам бериш лозим.

Бунда иқтисодий умумий таълим муҳим роль ўйнайди. Ҳозир республикада бу таълим кенг кўламда олиб борилаётир. Аммо бу ишда ҳали расмиятчилик оз эмас. Қўқон, Урганч, Гулистон, Наманган, Бўстонлиқ, Ғузор, Жомбой, Кегайли Пахтакор, Янгиариқ, Ульянов, Уйчи районларида иқтисодий умумий таълим системасидаги машғулотлар ишлаб чиқариш меҳнат коллективлари ҳаёти билан боғланмаган ҳолда ўтказилаётир. Масалан, Жиззах аккумулятор заводида, Пахтакор районининг «Оқ булоқ» совхозида иқтисодий ўқиш умуман ташкил этилмаган.

Партия ва давлат атроф муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан қабул қилган чораларни пропаганда қилишни тубдан кучайтириш зарур.

Идеология ишини социал сиёсат билан мустаҳкам боғламай туриб, самарали олиб бориб бўлмайди. Уй-жой, озиқ-овқат ва медицина таъминоти, одамларнинг турмуши ва дам олиши сингари масалалар қандай ҳал

(Давоми тўртинчи бетда).

*ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ X ПЛЕНУМИ*

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1988 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ЎРТА ВА ОЛИЙ МАКТАБНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲАМДА ҚАЙТА ҚУРИШНИ ИДЕОЛОГИК ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

**(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-бетларда).**

этилаётганлигини пропагандада кун сайин кўрсатиб туриши керак. Бу ишда майда-чуйда нарса йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Магазинларнинг бўш ётган пештахталари, ёмон ишлаётган транспорт, одамлар кўчиб кирмаган квартиралар, базаларда чириб ётган сабзавот, маиший хизмат соҳасидаги кўпгина корхоналарнинг қониқарсиз ишлаши — хуллас, кундалик маънавий муҳитга бевосита таъсир кўрсатадиган, партия, совет, хўжалик органларининг чинакам таъсирини талаб қиладиган масалаларнинг ҳаммаси партия комитетларининг эътибор марказида бўлиши лозим.

Янги қарашларни шакллантиришда, онгдаги ўзига хос иккиланишни, кўпгина одамлар онгида, янгилик билан эскиликнинг аралаш-қуралаш бўлиб кетишини бартараф этишда ғоявий-назарий фаолиятнинг роли ниҳоятда каттадир. Кейинги пайтда бу иш муайян даражада активлашганлиги сезилмоқда. Матбуотда бир қатор қизиқарли, муаммоли асарлар пайдо бўлди. Аммо ҳаддан ошишлар ҳам намоён бўлмоқда. Масалан, тарихий ўтмишни талқин этишда тенденциябозлик ривожланаётир. Республика меҳнаткашларининг, ижодий зиёлилар вакилларининг, олимларнинг тарихимизни синчиклаб ўрганиш, коньюнктурага, тарихий жараённи қиёфасиз баён қилишга барҳам бериш истаклари шубҳасиз ижобий ҳодисадир. Аммо мунозара жараёнида , айрим фактлар, ҳодисаларни ёритишда кўпгина номақбул, қинғир фикрлар ҳам вужудга келди.

Бирор жиҳатни абсолютлаштирмаслик, ҳаддан ошишлардан холи бўлиш муҳимдир. Ҳаёт зиддиятлардан иборат, бинобарин, ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам одамларни тўлқинлантираётган хилма-хил ҳодисаларни тўғри англаб олиш учун фикр, ёндашишлар диалектикаси зарур. Фанлар академияси, унинг гуманитар институтлари, Ёзувчилар союзи ва унинг матбуот органлари, республика Госкомиздати тарих фанида ҳам, барча ижтимоий фанлар соҳасида ҳам қайта қуришда тўғри позицияни эгаллайдилар, деб умид қиламиз.

Миллатлараро муносабатлар, интернационал тарбия худди ана шундай пухта ўйланган ва принципиал ёндашишларни талаб қилади. Маълумки, умуман одамлар ўртасидаги муносабатлар муаммоси сингари миллий муносабатлар ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайди. Аксинча, уларни ҳал этишдан чекинилса, улар тўпланиб бориб, низоли даражага етиши мумкин. Бу гап кейинги вақтларда марказий матбуотда гапириб ўтилган регионларгагина тааллуқли эмас, муайян носоғлом кайфиятлар бизда ҳам намоён бўлаётир.

Шу сабабли интернационал тарбияда дабдабабозлик ва расмиятчиликка йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида ҳам, миллий муносабатларни ривожлантириш ва бу муносабатларнинг ўзаро таъсири соҳасида ҳаёт олға сураётган муаммолар ҳақида ҳам гапирмаслик мумкин эмас. Уларни пухта ва ҳар томонлама ўйлаб кўриб чиқиш ҳамда вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш керак, бунда фақат бир нарсага — бир миллатнинг миллий маданий талабларини қондириш йўлида бошқаларга зарар етказиш ҳамда совет халқлари бутун буюк жамиятининг интернационал бирлигини писанд қилмасликка йўл қўйиб бўлмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси республикадаги миллий муносабатларнинг аҳволи ва меҳнаткашлар интернационал тарбиясини кучайтириш соҳасидаги тадбирлар масаласини яқинда худди ана шу позицияда туриб муҳокама қилди. Экологик, демографик вазиятни яхшилаш, меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, республикадаги тожик, қрим татар аҳолисининг миллий маданий талабларини қондириш юзасидан амалий тадбирлар кўрилаётир. Орол, Бўстонлиқ ва бошқа регионларга оид масалалар билан жиддий шуғулланаётирмиз. Атеистик тарбияни кучайтириш устида иш олиб бораётирмиз.

Аммо бунда биз қатъий қарорга келганмиз: миллатчилик кўринишларига, шунингдек асоссиз маҳаллийчилик руҳидаги даъволарга сира йўл қўймаймиз. Ўйлайманки, пленум масаланинг ана шу тарзда қўйилишини қўллаб-қувватлайди.

Қайта қуриш жараёнида маънавий қадриятларимизни мустаҳкамлаш масаласи тобора катта аҳамият касб этмоқда. Партия комитетлари турмушни кўпгина салбий ҳодисалардан тозалаш, социалистик қонунчилик ва тартибни мустаҳкамлаш сари қатъий йўл олиб, республикадаги маънавий психологик вазиятни муайян даражада ўзгартира олдилар. Эндиликдаги вазифа — ҳуқуқ ва ахлоқимиз нормаларига очиқдан-очиқ зид бўлган иллатларнигина эмас, балки ахлоқсизликнинг яширин, ҳамиша ҳам кўзга ташланавермайдиган иллатлари: лаганбардорлик, тилёғламалик, ошна-оғайничилик иллатларини ҳам таг-томири билан тугатишдан иборат. Ёшларни ғоявий-маънавий чиниқтириш соҳасидаги ишни анча кучайтириш, уларда совет кишисининг шаъни, ҳалоллик, поклик туйғусини изчиллик билан шакллантириш керак бўлади.

Шу муносабат билан бутун тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга эришиш айниқса, муҳимдир. Ичкиликка навбатда туриш ҳақида мулоҳаза юритиш ўрнига ҳушёр турмуш тарзини қарор топтиришимиз зарур. Гиёҳвандлар пайдо бўлгани ҳақида нола қилиш ўрнига бу иллатга қарши муросасиз кураш билан бориш керак. Диний маросимлар кўпайиб бораётганлигини қайд этиш эмас, балки далилларга асосланган атеистик пропаганда зарур. Буларнинг ҳаммаси партия комитетларидан, касаба союз ва комсомол ташкилотларидан, тартибни сақлаш органларидан активроқ ва баҳамжиҳат ҳаракатларни талаб қилади.

Янги типдаги инсонни шакллантиришда социалистик маданиятнинг роли жуда каттадир. Маълумки, партиянинг ташаббуси билан ижодий ҳаётга сингиб бораётган янгилик ташаббус ва изланишни ривожлантиришга, ижодий ташкилотларнинг ҳуқуқлари, мустақиллигини кенгайтиришга ва айни вақтда яратилаётган асарларнинг ғоявий-бадиий савияси учун уларнинг масъулиятини оширишга қаратилгандир.

Ҳамон устун келаётган ибтидоий руҳдаги асарлар йўлига ғов солиш керак. Чуқур партиявийлик билан юксак бадиийликнинг бирлашуви асарнинг чинакам қимматини таъминлайди. Афсуски, бизда бу принципдан чекинилаётганлиги ҳақида далолат берувчи кўпгина мисоллар бор. Қайта қуриш тўлқинида бизнинг қадриятларимиз ўрнида ўзларининг шубҳали баҳоларини тиқиштиришга уринаётган одамлар пайдо бўлишди. Айрим асарларда энди ижобий қаҳрамон — ҳаётий зиддиятларнинг реал курашида акс эттирилган коммунист, комсомол, оддий меҳнаткашни учратмайсиз.

Шуни аниқ қилиб айтиш керакки, биз санъатнинг синфийлиги, реалистиклиги, халқчиллиги принципларидан, унинг партиявийлиги ва интернационал йўналишидан чекинмаймиз. Бу масалаларда республика партия комитетлари, ижодий союзлари ва уларнинг партия ташкилотлари пухта ғоявий позицияни эгаллашлари лозим.

Яқинда ижодий союзлар Марказий Комитет Бюроси аъзоларининг ижодий зиёлиларнинг вакиллари билан учрашувлари бўлиб ўтди. Ёзувчилар, рассомлар, кинематографчилар, архитекторлар, журналистлар, композиторлар билан ошкора ва манфаатдорлик руҳидаги суҳбат яқинда Марказий Комитетда ижодкор ва илмий педагогик жамоатчилик вакиллари билан учрашувда ҳам давом эттирилди. Бу учрашувлар маданият арбобларининг қайта қуришни нақадар ғайрат билан ва қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини кўрсатди. Улар биз маданий ҳаётда туб ўзгаришларга эришиш, санъатнинг профессионал савиясини ошириш, одамларнинг маънавий эҳтиёжларини тўларoқ қондириш учун ҳали жуда кўп иш қилишимиз кераклигини ҳам кўрсатди.

Маданият министрлиги, Фанлар академияси, ижодий союзлар республикада маданият ривожланишининг жараёнларини, адабиётшунослик ва санъатшуносликнинг аҳволини пухтароқ ўрганишлари керак. Биз жуда катта илмий кучларга эга бўлганимиз туфайли аввало маданиятни ривожлантиришнинг бош йўналишларида кўпроқ самарага эриша оламиз.

Маъмурий методлардан воз кечилган шароитда адабий-бадиий танқиднинг аҳамияти тўғрисидаги масала илгаригига қараганда мутлақо бошқача қўйилаётир. Бу бадиий жараёнга партиявий ва ижтимоий таъсир кўрсатишнинг ҳақиқатан ҳам муҳим воситасига айланмоқда. Аммо унинг гуруҳлар манфаатларига боғлиқлиги ниҳоятда қониқарсиз бартараф этилаётир, танқиднинг матбуот билан, биринчи навбатда партия нашрлари редакциялари билан алоқаси кўнгилдагидек эмас. Ижодий ходимларда мунозара маданиятини, танқидий материалларни тўғри тушунишни қунт билан тарбиялаш, гуруҳбозлик манфаатларига ва носоғлом рақобатга бутун чоралар билан қарши чиқишимиз керак. Бу жиҳатдан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока» редакциялари, бошқа ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий журналлар ўз ишларини жиддий қайта кўриб чиқишлари лозим.

Марказий Комитет бўлимлари, область партия комитетлари ижодий жараёнларга раҳбарликнинг ташкилий формаларини такомиллаштириш учун маданият идоралари ва муассасаларига нисбатан жиддийроқ талабчанлик қилишлари лозим. Шундагина театрлар ва концерт ташкилотлари, нашриётлар, киностудиялар ишини янада яхшилашга умид боғлаш мумкин. Бунда шунга асосланиш керакки, адабиёт ва санъатга раҳбарликнинг ғоявий тутуруқсизлик ва ён босиш билан ҳам, буйруқбозлик ва маъмуриятчилик қилиш билан ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Ижодий коллективлар бошланғич партия ташкилотларининг роли айниқса катта. Бироқ уларнинг бугунги аҳволи ташвиш туғдирмасдан қолмайди. Улар состави жиҳатидан кам сонли, кексалар кўпчиликни ташкил қилади. Масалан, Композиторлар союзидаги коммунистларнинг ярмидан кўпроғи 60 ёшдан ошган кишилардир. Агар биз бадиий жараёнда партия таъсири механизми пухта ишлашини истасак (масала бошқача қўйилиши ҳам мумкин эмас), район ва шаҳар комитетлари ижодий коллективлар партиявий ўзагини мустаҳкамлашга ўз муносабатларини ўзгартиришлари лозим.

Ижодкор ёшлар билан ишлашни эътиборсиз қолдириш ярамайди. Бу соҳада, бир томондан, ёш талантларнинг қарор топиши ва ривожланишига сезгирлик, эътибор билан муносабат етишмаётир. Иккинчи томондан, ижодий союзларга қабул қилиш меъзонлари пасайиб кетди, бу эса аҳамияти кам асарлар оқимининг кўпайишига олиб келди, талантлар мусобақасини қийинлаштирди. Биз ҳурматли санъат усталаримиз ёш кучларнинг ўсиши ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қиладилар, партия органлари, маданият муассасалари эса уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар, деб умид қиламиз. Биз ижодий союзларнинг раҳбарларидан, барча маданият арбобларидан ёш авлоднинг эстетик тарбиясида активроқ иштирок этишларини кутамиз. Бундай иш қисқа муддатли кампаниялар ёки сакрашлар билан олиб борилмаслиги, балки жиддий-амалий асосда, мунтазам ва собитқадамлик билан олиб борилиши зарур.

Маданият ва санъатнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳақида бир неча оғиз гапириб ўтмоқчиман. Ўтган йили Маданият министрлиги объектларининг капитал қурилиши плани 69 процент, Кинематография давлат комитети объектлари қурилиши плани 40 процент бажарилди, холос.

Қолдиқ принцип ҳамон бартараф этилгани йўқ. Кўпгина раҳбарлар одамларга ғамхўрлик, социал соҳа биринчи ўринда туриши кераклиги ҳақидаги партия талабларини тўла тушуниб олганлари йўқ. Партия комитетлари қишлоқларда маданият муассасалари қурилиши учун Советларнинг ижроия комитетларига, Давлат агросаноат комитети органларига нисбатан талабчанлик қилмаётирлар. Икки йил ичида ана шу мақсадларга ажратилган капитал маблағларнинг 30 процентдан кўпроғи ўзлаштирилмади.

Госплан, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, касаба союз органлари маданиятнинг моддий базасини мустаҳкамлашга муносабатларини ўзгартиришлари лозим, Марказий Комитет ва Министрлар Советининг бўлимлари партия комитетлари, Советларнинг ижроия комитетлари эса бу масалаларни жиддий контроль остига олишлари зарур.

Ошкораликни ривожлантиришда бугунги кунда партия пропагандаси ва агитациясининг энг зарбдор формаси бўлиб қолган оммавий ахборот воситаларининг роли ниҳоятда каттадир. Партия даъвати билан улар биринчилардан бўлиб демократиялаш ва ошкоралик учун қонунчиликнинг бузилишига, бюрократизмга, ижтимоий онгдаги қолоқликка қарши кураш бошладилар. Бугунги кунда одамлар рўй бераётган воқеалар ҳақида, партия, совет, хўжалик органларининг қарорлари тўғрисида тўлароқ хабардор қилинмоқдалар.

Яқинда оммавий ахборот воситаларининг энг яхши намуна кўрсатган ходимларидан бир группаси фахрий ёрлиқларга ва унвонларга сазовор бўлишди. Биз уларнинг қайта қуришга қўшаётган ҳиссаларига бундан буён ҳам муносиб баҳо бераверамиз.

Аммо бу оммавий ахборот воситалари тегиб бўлмайдиган обрў зонасига ёки ҳақиқатни бир ўзи белгилайдиган воситага айланади, деган маънони билдирмайди. Уларнинг ходимлари, аввало сиёсий раҳбарлар бўлган редакторлар зиммасига ҳозир рўй бераётган жараёнларни объектив таҳлил қилиш, жамоатчилик фикрини тўғри шакллантириш учун жуда катта масъулият юклатилади. М. С. Горбачевнинг ҳар қандай нообъективлик, бир томонламалик, танқиддаги ҳар қандай ноаниқлик — қайта қуришга фойда келтирмайди, ҳар қандай нотўғри гап кўнгилни ранжитади, инсоннинг социал кайфиятига таъсир қилади, деган сўзларини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Газета ёки журнал — айрим шахсларнинг хусусий минбари эмас, балки умумпартиявий ишдир. Матбуотнинг айрим ходимлари ҳақиқатнинг бирдан-бир тарғиботчилари ролини ўз зиммаларига олишга интилаётганликлари, ўз позицияларини бехато, танқиддан ҳам холи деб ҳисоблаётганликлари сабабли пленумда бу нарсани эслатиб ўтиш зарурати туғилди.

Марказий Комитет «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг бригада ва оила пудратини ривожлантириш ҳақидаги мақоласини яқинда қўллаб-қувватлади. Яхши нарса албатта маъқулланаётир. Аммо шу билан бирга бу газетанинг айрим сонларида ҳажм жиҳатдан катта тарихий очеркларга, ортиқча мақтовлар руҳи билан суғорилган эсдаликларга кўп ўрин берилмоқда, адабий мерос проблемаси унча малакали даражада кўтарилмаётир.

Баъзи редакцияларда кўр-кўрона ошкоралик, дунёқараш позицияларини хиралаштириш тенденцияси намоён бўлди. «Советская Бухара» газетасининг редколлегияси партия органи саҳифаларидан руҳонийларга Совет ҳукуматининг ташқи сиёсий фаолияти ҳақида менсимасдан гапириш, дин ҳақидаги совет қонунлари моҳияти ва аҳамиятини шубҳа остига қўйиш имкониятини берган экан, унинг бу позициясини сиёсий кўрликдан иборат, деб изоҳлашдан бошқа илож борми, ахир. Область партия комитети редакцияга йўл қўйган хатосини адолатли равишда кўрсатганида у газетага мутасадди бўлган партия комитети бўлимини айбловчи танқидий материал эълон қилди. «Комсомолец Узбекистана» республика газетаси ҳам ёшларнинг диний масалаларга қизиқишини сохталаштириб, номуносиб усуллардан фойдаланаётир.

Район газеталарида босилаётган материаллар даражасини кўтариш — энг муҳим вазифалардан биридир. Уларнинг фаолияти аксарият ҳолларда даврдан орқада қолмоқда, партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида қарор топаётган туб ўзгаришлар руҳига мувофиқ келмаётир. Кўпинча янгиланишнинг ташқи белгилари, дабдабали рубрикалар ва сарлавҳалар остида тафаккурнинг қолоқ андозалари яширинмоқда, редакциялар позициясининг кутиш характерида эканлиги намоён бўлмоқда. Бу нарса Қорақалпоғистон АССРдаги бир қатор район газеталари саҳифаларида, айниқса, сезилаётир. Уларнинг ходимлари қайта қуришни ёритишга қараганда кўпроқ райком билан ўз шахсий муносабатларини аниқлаш билан шуғулланмоқдалар.

Матбуот ҳақида гапирар эканмиз, унинг ишлаб чиқариш базасига оид проблема тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Қисқача дейишимнинг сабаби шуки, бунда бир сўз: «ёмон» сўзидан бошқа бирор гап айтиб бўлмайди. Республиканинг полиграфия базаси қониқарсиз ривожланаётир. Госкомиздат асосий фондларнинг жуда катта ҳажмини Тошкентга тўплаб олиб, область, шаҳар ва район босмахоналарини аслида ҳеч нарса билан таъминламаётир. Ҳамма жойда замонавий техника, мутахассислар етишмаслиги жиддий сезилмоқда. Журналистлар ва полиграфчиларнинг социал масалаларини, айниқса, уй-жой масалаларини ҳал этишга етарли эътибор берилмаётир. Бу масалаларнинг ҳаммасига жойлардаги партия ва совет органлари ғоят жиддий эътибор беришлари талаб қилинади.

Идеология фаолиятининг замонавий услубини қарор топтириш — партия комитетлари, тарбия муассасаларининг энг муҳим вазифасидир. Маъмуриятчилик қилишга, якка кишининг фикрлари ва баҳоларини буйруқбозлик билан ўтказишга интилишдан қатъият билан воз кечиш керак. Ўзгаларнинг гапига қулоқ сола олиш, суҳбатдошини тўлқинлантираётган масала моҳиятини англай олиш, ишонтира олиш ниҳоятда зарур.

Аммо бу бизнинг партия, идеология активимиздан, барча раҳбар кадрлардан сиёсий етуклик ва юксак маданиятни талаб қилади. Кўпгина партия ходимлари ўз устларида етарли ишламаётганликлари, йиллар давомида қўлларига бадиий адабиёт олмасликлари, театр ва кинога бормасликлари бизни жуда ташвишлантиради. Ғоявий-назарий савияни ошириш мақсадида марксизм-ленинизм университетларидан ва таълимнинг бошқа формаларидан суст фойдаланилаётир. Бу соҳада партия комитетлари қунт билан иш олиб боришлари керак, бунда олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз учун кенг фаолият майдони очилади.

Куни-кеча ўз ишини тамомлаган республика Олий Советп сессиясида Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини бошқаришнинг Бош схемаси тўғрисидаги масаланинг муҳокама қилиниши — областлар чегарасини шунчаки ўзгартириш масаласи эмас. Бунда гап республика халқ хўжалиги органларини анча ихчамлаштириш, ҳаётга яқинлаштириш тўғрисида бормоқда. Районлар, шаҳарлар, областларни, министрликлар ва идораларни йириклаштиришга оид тадбирлар айрим шахслар ва раҳбарларнинг миллатчилик, нотўғри қарашлар, қариндош-уруғчилик муносабатларига берилиш иллатларини келтириб чиқармаслиги керак. Бу — катта давлат аҳамиятига эга бўлган ишдир.

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг куни кеча бўлиб ўтган саккизинчи сессияси республика халқ хўжалигини бошқаришнинг Бош схемаси лойиҳасини асосан маъқуллади ҳамда Олий Совет депутатлари айтган мулоҳаза ва таклифларни эътиборга олиб, пишиқ-пухта ишлаб чиқишни ва уни СССР Министрлар Советининг тасдиғига ҳавола қилишни Ўзбекистон ССР Министрлар Советига топширди.

Аминмизки, партия, совет активлари, барча меҳнаткашлар республика давлат ҳокимияти олий органининг қарорларини қўллаб-қувватлайдилар ва ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан бу қарорларни амалга оширадилар.

Биз ҳозир Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси сари бораётган эканмиз, қилинган иш тажрибасини ҳамма жойда батафсил мулоҳазадан ўтказишимиз, реал ютуқлар билан йўл қўйилган хатоларни тарозига солиб кўришимиз, бундан буёнги олға ҳаракатимизнинг йўллари ва методлари ҳақида равшан тасаввур ҳосил қилишимиз керак.

Бу гап КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М .С. Горбачевнинг яқинда республика активи билан бўлган учрашувида сўзлаган нутқида яна бир бор янги куч билан таъкидланди. Унинг барча қимматли маслаҳатлари, кўрсатмалари, истаклари пухта ўрганилиши, ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир меҳнаткашнинг ишига айланиши, қатъият, изчиллик ва собитқадамлик билан амалга оширилиши зарур.

Марказий Комитетнинг Бюроси шунга аминки, қайта қуришнинг муҳим идеология, таълим, маданий проблемаларини муҳокама қилаётган бугунги пленум республика партия ташкилотининг бутун ташкилотчилик, сиёсий ишига янги ғайрат бағишлайди, у қабул қилган қарорлар республика социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш ҳамда мамлакатнинг ягона халқ хўжалиги комплексига Ўзбекистон ҳиссасини кўпайтиришдан иборат биринчи навбатдаги вазифаларни ҳал этишга актив ёрдам беради.

*ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ*

# «ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ МАСАЛАЛАРНИ ХАЛҚ МУҲОКАМАСИГА ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

## *Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонун лойиҳалари тайёрлаш доимий комиссиясининг раиси депутат А. Г. КАДИН доклади*

Ўртоқлар! Совет халқи қайта қуриш ва янгиланиш йўлидан дадил одимлаб бормоқда, сифат ўзгаришлари жамиятнинг ҳамма соҳаларини қамраб олмоқда. Ҳаётимизнинг демократик жараёнлари чуқурлашиб бормоқда. Жамоатчилик фикри дадилроқ ва салмоқлироқ бўлиб бормоқда, ошкоралик вазияти вужудга келмоқда. Ақл-идрок, талант эгаларининг ҳалол мусобақаси учун муҳит яратилмоқда, самарали кадрлар сиёсатини амалга ошириш, бюрократизмга, хизмат мавқеини суиистеъмол қилишларга қарши кураш вазияти вужудга келмоқда. Одамлар меҳнатга бошқача қарай бошладилар, коллективларда танқид ва ўз-ўзини танқид, раҳбарлик лавозимларига сайлаб қўйиш ва масъулият қарор топмоқда.

Биз шуни дадил айта оламизки, халқ орасида бу ўзгаришларнинг зарурлигига ишонч мустаҳкамланмоқда. Социализм кучайиб бормоқда, деб таъкидлади М. С. Горбачев, халқнинг сиёсий ва социал активлиги орқали ўз потенциалини янада тўлароқ рўёбга чиқармоқда. «Ҳозир қайта қуриш — совет жамияти тараққиётининг объектив зарур босқичи эканини, унинг моҳияти жамиятни янги сифат ҳолатига ўтказишдан иборат эканлиги тушунчаси қарор топди», — деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленумида.

Мамлакат қайта қуришнинг ҳал қилувчи асосий босқичига қадам қўйди. Бу босқичда асосий эътибор партия сиёсатини, планларимизни амалда рўёбга чиқаришга қаратилмоқда. Қайта қуришнинг тақдири ҳозирги вақтда кўп жиҳатдан жамиятда янги ғоявий-маънавий муҳит — демократия, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид қанчалик қарор топишига, биз омманинг бунёдкорлик ғайратини қанчалик авж олдиришимизга боғлиқ бўлади.

Сизнинг муҳокамангизга тақдим этилаётган «Ўзбекистон ССР Давлат ҳаётидаги муҳим масалаларни халқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ана шундай омиллардан бири бўлиб қолмоғи керак. Бу қонунда ҳаётни янада демократиялаш, меҳнаткашларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш масалалари ўз аксини топган.

Ушбу Қонун лойиҳаси СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларининг қонун лойиҳаларини, умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни бутун мамлакат ва республика кўламида муҳокама қилиш зарурлиги тўғрисидаги қоидаларидан бевосита келиб чиқади. Бироқ сўнгги вақтларгача бу норма зарур даражада конкретлаштирилмади, бу эса тегишли муҳокамаларни ташкил этиш самарадорлигига ва уларнинг натижаларига салбий таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас эди. Шу муносабат билан партия XXVII съездида «Бу жуда муҳим масала юзасидан қонун тайёрлашни жадаллаштириш керак. Биз бевосита демократияни ривожлантиришнинг гражданларнинг йиғилишлари, сайловчиларнинг наказлари, меҳнаткашларнинг хатлари, матбуот, радио, телевидение, жамоатчилик фикрини билишнинг, омма эҳтиёжлари ва кайфиятларига оператив тарзда, сезгирлик билан жавоб қилишнинг барча воситалари каби ишончли каналлардан тағин ҳам яхшироқ фойдаланишимиз керак», деб махсус таъкидланди.

Съезд қарорларига мувофиқ давлат ҳаётига оид муҳим масалаларнинг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида СССР Қонуни ишлаб чиқилди. СССР Олий Совети ушбу қонунни 1987 йил 30 июнда тасдиқлаганлиги, шунингдек иттифоқдош ва автоном республикаларда қонунлар қабул қилиниши гражданлар қонун лойиҳалари ҳамда умумдавлат ва маҳаллий қарорлар лойиҳаларини, шунингдек жамият ҳаётига доир йирик масалаларни тайёрлаш ва муҳокама қилишда янада фаолроқ ва манфаатдорлик билан қатнашиши учун мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратиб беради, демократиялаш жараёнини чуқурлаштиришга катта ёрдам кўрсатади. Демократиялаш жараёни қайта қуришнинг ажралмас, узвий қисми бўлиб, у муқаррар тус олди. Бу ишда чекиниш йўқ ва бўлмайди ҳам, унинг асосий мақсадлари бизга яхши маълум. Қайта қуриш мамлакат бўйлаб катта қадам ташлаб бормоқда, унга миллионлаб меҳнаткашлар актив қўшилдилар, у ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир совет кишисининг қон-қонига сингиб бормоқда. Партия халқнинг барча кучларини қайта қуришнинг ҳозирги, ҳал қилувчи босқичидаги вазифаларни бажаришга сафарбар этмоқда. Бинобарин, бу ишда халқ ҳокимияти органлари бўлган Советлар илғор позицияларни эгалламоқлари керак.

Республика халқ депутатлари Советлари ўз фаолиятларининг услуби, форма ва методларини қатъият билан қайта қуришлари, умрини яшаб бўлган андазаларга ва бир қолипда ишлашга, расмиятчиликка, формализм ва ортиқча ташкилотчиликка, қоғозбозликка барҳам беришлари, қайта қуришни конкрет ишлар билан чуқурлаштиришлари ва кенгайтиришлари керак. Омманинг жонли ижодига таяниш, ҳамма босқичларда гражданларни республика ҳаётининг энг муҳим вазифаларини ҳал қилишга фаол жалб этиш муҳим йўналишдир. Бу масала принципиал характерга эга бўлиб, давлат ҳаётининг ўз-ўзини бошқариш негизларини ривожлантиришда асосий ўрин тутади.

Қайта қуриш шароитида халқ ҳокимиятининг илғор формаларини кўриниб турган воқеликка айлантириш, социализмнинг демократик потенциалини янада тўлароқ очиш ва ундан фойдаланиш сари сифат жиҳатдан бурилиш ясаш, ана шу асосда жамиятнинг ғоявий ва маънавий-сиёсий бирлигини мустаҳкамлашни таъминлаш керак.

Республика Советларида фаолиятни бутун чоралар билан демократиялашдан иборат тўғри йўлдан борилмоқда. Конкрет халқ хўжалик муаммоларини ҳал қилишда меҳнаткашларнинг кенг кўламда ва манфаатдорлик билан иштирок этиши нормага айланиб қолмоқда. Сессиялар, ижроком мажлисларининг материалларини олдиндан эълон қилиш, уларни меҳнат коллективларида, аҳолининг истиқомат жойларида кенг муҳокама қилиш, қарорларни ишлаб чиқиш чоғида меҳнаткашларнинг фикрини ҳисобга олиш кўпчилик Советлар иш практикасидан мустаҳкам жой олмоқда. Советлар билан сайловчиларнинг бевосита алоқалари тобора мустаҳкамланмоқда. Бу эса халқ вакилларининг, аҳолининг активлиги ошишига самарали таъсир кўрсатмоқда. Энг муҳими шуки, одамлар ўз Советларининг ишларига бевосита дахлдор эканликларини ҳис қилишмоқда. Уларнинг таклифлари ҳисобга олинмоқда ва бу ҳол Совет қабул қилган қарорларни амалга оширишдан манфаатдорликни кучайтирмоқда. Меҳнаткашлар ҳокимият органларига борган сари кўпроқ ишонишмоқда, уларнинг социал пассивлиги ва лоқайдлиги аста-секин ўтмишга айланиб қолмоқда. Биргина ҳозирги чақириқ Наманган область Совети III сессияси материалларини муҳокама қилишда 50 мингдан ортиқ киши иштирок этиб, улар мингга яқин танқидий мулоҳазалар ва таклифлар билдиришди. Бу мулоҳаза ва таклифларнинг энг муҳимлари Совет қабул қилган қарорда ҳисобга олинди. Бундай ишни пойтахт шаҳар ва область Советлари, шунингдек кўпгина бошқа Советлар ҳам фаол амалга оширмоқда.

«Ўзбекистон ССРнинг 2000 йилгача мўлжалланган Комплекс уй-жой программаси асосий қоидалари»нинг муҳокамаси республикада катта таассурот қолдирди. Бу муҳокама чоғида республиканинг минглаб меҳнаткашлари ўз фикрларини билдирди. Аҳоли «СССРдаги кооперация тўғрисида»ги СССР Қонунини ўрганишга актив киришди.

Экология проблемалари бўйича ўткир мунозара авж олиб бормоқда. Долзарб масалалар ҳали кўп, бинобарин, уларни халқ билан ҳар томонлама кенгашиб олгандан кейингина ҳал қилиш зарур. Сизларнинг муҳокамангизга қўйилган Қонун лойиҳаси ана шу ишга ёрдам бериши керак.

**(Давоми бешинчи бетда).**

## ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

# «ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ МАСАЛАЛАРНИ ХАЛҚ МУҲОКАМАСИГА ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

**(Давоми. Боши тўртинчи бетда).**

Партия меҳнаткашлар, ҳар бир совет кишиси давлат ва жамоат органлари фаолиятига конкрет, амалий таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлиши учун қунт ва изчиллик билан иш олиб боришни талаб қилмоқда. Бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилмоғи керак. Қонунларни такомиллаштириш соҳасида жиддий ва қаттиқ иш олиб боришга тўғри келади. Токи улар бошқаришнинг энг янги методларини жорий этишга, социал адолат принципларини амалга оширишга, инсон шахси имкониятларини рўёбга чиқаришга, демократик институтларни қарор топтиришга ёрдам берсин.

Барча энг муҳим масалаларни халқ муҳокамасига қўйиш тартибининг қонун билан мустаҳкамланиши гражданларнинг давлат қарорларини тайёрлаш ва қабул қилишда иштирок этиши учун мустаҳкам ҳуқуқий гарантиялар яратиб беради. Бизда бу ишда маълум тажриба тўпланган. СССР ва иттифоқдош республикалар Конституцияларининг муҳокамасини эслашнинг ўзи кифоя. Бироқ бугун биз шу нарсани тўғридан-тўғри эътироф этишимиз керакки, илгари ўтказилган муҳокамаларнинг кўпи ҳаддан ташқари ортиқча ташкилий тадбирлар билан бўғиб қўйилган, расмиятчилик билан ўтказилган, гражданларнинг таклиф ва мулоҳазалари чуқур таҳлил қилинмаган эди. Натижада лойиҳани узил-кесил таҳрир қилиш чоғида кўпгина фойдали таклифлар етарли даражада акс этмай қолиб кетди. Бунинг устига, бизнинг республикамизда ва бошқа иттифоқдош республикаларда сўнгги Конституциялар лойиҳаларидан кейин аслида биронта ҳам бошқа қонун лойиҳаси меҳнаткашлар томонидан муҳокама қилинмади. Сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилаётган Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамаларини ўтказиш, республика қонун актларини тайёрлаш практикасини қатъий суратда яхшиламоғи керак. Қайта қуриш жараёни бу ишга янгича демократик мазмун бахш этишни, жамоатчилик фикрини аниқлаш ва ҳисобга олишни қатъий талаб қилмоқда, уларнинг аҳамиятини анча кўтармоқда.

Шуни айтиш керакки, мазкур қонунни тайёрлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари, олимлар фаол иштирок этишди. Лойиҳа республика министрликлари ва идораларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, областлар ижрокомларига, Тошкент шаҳар ижроия комитетига, илмий муассасаларга юборилди. Бу органлар ва ташкилотлар лойиҳани умуман қўллаб-қувватладилар ва маъқулладилар. Бир қанча эътиборга лойиқ таклифлар, мулоҳазалар, таърифларга аниқликлар, қўшимчалар тушдики, улар лойиҳани узил-кесил ишлаб чиқиш чоғида ҳисобга олинди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг топшириғига мувофиқ Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияси давлат ҳаётидаги муҳим масалаларни халқ муҳокамасига қўйиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасини қараб чиқди. У социалистик жамият тараққиётининг ҳозирги шароитларига ва эҳтиёжларига жавоб беради ҳамда республика давлат ҳаётидаги муҳим масалаларни халқ муҳокамасига қўйиш тартибини тўлиқ ва аниқ белгилаб қўядиган дастлабки қонун акти бўлади. Лойиҳа ғоят муҳим масалаларни муҳокама қилишга асос бўладиган умумий принципларни белгилаб беради ва гражданларнинг ўз фикрларини мумкин қадар кенг ифода қилишлари учун мустаҳкам гарантияларни кўрсатиб беради. Бу гарантиялар уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ёки камситишни истисно этади.

Қонун лойиҳаси энг муҳим ҳужжатларни муҳокама қилишни биринчи навбатда халқ депутатлари Советлари бошқа давлат органлари, жамоат ташкилотлари, корхоналар ва муассасалар раҳбарларининг иштирокида ташкил этишлари ва таъминлашлари шартлигини белгилаб қўяди.

Республика ҳаётидаги муҳим масалаларни муҳокама қилиш давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг максимал даражада очиқ бўлишини таъминлаши, ҳар бир гражданга муҳокамага қўйилган масала юзасидан ўз фикрини бирон-бир формада ифода этиш учун реал имконият яратиб бериши керак. 1 бобда демократик принциплар таърифлаб берилган бўлиб, шу принципларга мувофиқ республикада халқ муҳокамаси ўтказилади. Бу бобда барча гражданларга давлат ва ижтимоий ҳаётдаги масалаларни муҳокама қилишда эркин ва тенг иштирок этиш таъминлаб берилиши, гражданлар муҳокамада бевосита, шунингдек турли ташкилотлар, меҳнат коллективлари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканликлари белгилаб қўйилган.

Бюрократизм ва расмиятчиликка қарши кураш активлашган бир шароитда муҳокамани юзаки тадбирга айлантириб юбормаслик жуда муҳимдир. Ҳамма гаражданлар лойиҳа билан танишиб чиқиш имконига эга бўлишларини таъминлаш зарур. Шу муносабат билан Қонун лойиҳасида муҳокамага қўйилган қонун лойиҳалари ва давлат ҳаётидаги бошқа муҳим масалалар матбуотда босиб чиқарилади, радио ва телевидение орқали эълон қилинади, деб кўрсатиб ўтилади. Улар ҳақида аҳолига бошқача усул билан: лекциялар, суҳбатлар, кенгашларда ва ҳоказоларда ҳам хабар бериш мумкин.

Лойиҳанинг II бобида халқ муҳокамасига республиканинг сиёсий, иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишларига тааллуқли бўлган қонун ва қарорларнинг лойиҳалари қўйилиши кўрсатиб ўтилади. Бундан ташқари ҳал қилиш учун кўп миқдорда халқ хўжалик ресурсларидан фойдаланиш талаб қилинадиган катта кўламдаги илмий-техникавий, экологик проблемалар, совет гражданларининг конституцион ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини амалга ошириш, шунингдек давлат ҳаётининг Ўзбекистон ССР ихтиёрига берилган бошқа муҳим масалалари халқ муҳокамасига қўйилади.

Халқ муҳокамасини ўтказиш тўғрисидаги қарорни республика Олий Совети ёки унинг Президиуми ўз ташаббуси билан ҳам, шунингдек область Советларининг таклифи билан ҳам қабул қилади.

У ёки бу конкрет қонун лойиҳасини ёки масалани бундай муҳокамага қўйишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги тавсияларга келсак, бундай тавсиялар Олий Совет ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг доимий комиссиялари, жамоат ташкилотларининг органлари, бошқа органлар ва шахслар томонидан билдирилиши мумкин. Улар Қонун лойиҳасини ёки бошқа масалани Ўзбекистон ССР Олий Советининг регламентида кўзда тутилганидек, Ўзбекистон ССР Олий Советига ёки унинг Президиумига киритишлари мумкин.

Умумхалқ муҳокамасининг якунлари тегишли суратда Ўзбекистон ССР Олий Совети ёки унинг Президиуми томонидан қараб чиқилиб, бу ҳақда аҳолига хабар берилади. Бироқ гражданлардан бевосита муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси ёки масалага тааллуқли бўлмаган таклиф ва мулоҳазалар ҳам тушиши мумкин. Уларнинг ҳаммаси тегишли давлат ва жамоат органларига юборилади. Бу органлар белгиланган муддатда уларни қараб чиқишлари ва натижаларини авторларга маълум қилишлари керак. Бу қоида биронта ҳам мулоҳаза ва таклиф ўрганилмай ва баҳоланмай қолиб кетмаслигининг, меҳнаткашларнинг фикрлари ҳисобга олинишининг муҳим гарантиясидир.

Қонун лойиҳасида маҳаллий аҳамиятга молик муҳим масалаларнинг аҳоли томонидан муҳокама қилинишига алоҳида ўрин берилади. Бунга қонун лойиҳасининг бутун учинчи бўлими бағишланган. Қонуннинг бу қисми халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва улар ижроия комитетларининг комплекс иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари ҳамда бюджет тўғрисидаги, социалистик қонунчиликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни ва гражданларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳақидаги, аҳолига хизмат кўрсатувчи корхона, муассаса ва ташкилотларнинг иши тўғрисидаги қарорларининг лойиҳаларини, шунингдек жойлардаги давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг бошқа муҳим масалаларини халқ муҳокамасига тақдим этишни талаб қилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг уй-жой қурилишига, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, маданият, транспорт, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатишни ривожлантиришга, сайловчиларнинг наказларини бажариш тадбирлари планини амалга оширишга доир қарорлари, уларнинг кескинлиги ва долзарблигини ҳисобга олган ҳолда, одатда, аҳоли томонидан муҳокама қилинганидан кейин қабул қилинишини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Бу норма халқ депутатлари маҳаллий Советларининг эътиборини ўз территорияларида яшайдиган аҳолининг эҳтиёж ва талабларини кенг ўрганишга, уни давлат ва жамоат ишларини бошқаришга жалб этиш учун барча ҳуқуқий, ташкилий воситалардан фойдаланишга қаратади. Гражданлар ва меҳнат коллективларининг фикрини ҳисобга олиш қарорларнинг энг мақбул вариантларини танлаб олишга, муҳокамага қўйилган масала хусусида меҳнаткашларнинг ҳар хил фикрлари ва таклифларини таққослашга имкон беради.

Маҳаллий Советлар ва уларнинг ижрокомлари ўз қарорларининг лойиҳаларини ўзлари, шунингдек Советлар доимий комиссиялари, депутатлар группалари, депутатлар, жамоат ташкилотлари органлари, меҳнат коллективларининг, студентлар ва ўқувчилар коллективлари, маҳалла (квартал), уй комитетлари, гражданларнинг истиқомат жойларидаги умумий йиғилишлари (йиғинлари), Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР қонунларида кўзда тутилган бошқа ташкилотларнинг таклифлари асосида муҳокамага қўйишлари белгиланди.

Халқ депутатлари маҳаллий Совети ёки унинг ижроия комитети масалани аҳоли муҳокамасига олиб чиқиш билан бир вақтда муҳокама жараёнида тушадиган таклиф ва мулоҳазаларни қараб чиқишни ташкил этиш муддатини ва тартибини белгилаб қўяди, бу ишни амалга оширишни маҳаллий Советнинг тегишли доимий комиссияларига таклиф этади ёки ана шу мақсадда махсус комиссия тузади.

Ишлаб чиқилган механизм жамоатчилик фикрини тўла ҳисобга олиш, уни қарорлар тайёрлаш чоғида асос қилиб олиш, Советларнинг куч-ғайратларини ишнинг энг муҳим йўналишларига қаратиш имконини беради. Тажриба шуни кўрсатадики, муҳокама қилиш ва аҳоли билан маслаҳатлашиш соҳасидаги мавжуд тажриба — сессиялар, доимий комиссиялар ва депутатлар ишининг демократик негизларини мустаҳкамлашга, бутун Советлар фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради.

Ҳозир Советлар ва депутатларнинг меҳнаткашлар билан жонли алоқаларини таъминлайдиган сиёсий ҳамда ҳуқуқий механизмларни ишга солиш соҳасида катта ишлар авж олдириб юборилди. Бироқ практика шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамма жойда ҳам амалда хўжайиндек иш тутмаётирлар, одамлардан дадил маслаҳат сўрамаётирлар, муҳим масалаларни ҳал қилишда меҳнаткашларнинг фикрини етарли даражада ўрганмаётирлар ва ҳисобга олмаётирлар. Республика халқ депутатлари Советлари қайта қуришнинг дастлабки босқичида вақтни, суръатни бой бердилар, шу куннинг талаблари руҳида ташаббус кўрсата олмадилар, иш услуби ва методларини такомиллаштириш ишларини кенг авж олдириб юбора олмадилар, ўз фаолиятларидаги бюрократизм ва расмиятчиликка қарши кураш олиб боролмадилар. Бир қанча жойларда маъмуриятчилик механизми, меҳнат коллективлари, депутатлар, аҳоли билан ишлашда сиқувга олиш, бир сўз билан айтганда, партия қоралаган буйруқбозлик бюрократик усуллар сақланиб қолмоқда. Республика Советлари ўзларининг янги катта ҳуқуқлари ва имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланишни ҳали ўрганиб олганлари йўқ. Ҳатто ҳал қилувчи сўзни ўзлари айтишлари керак бўлган жойда ҳам журъатсизлик билан, атрофга қараб ҳаракат қилишдан иборат эски одат ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айрим ижроия комитетларининг раҳбарлари жамият ҳаётини демократиялашни ўз фаолиятларининг услубини тубдан қайта қуришни талаб қилмайдиган ўзига хос тарғиботчилик кампанияси, деб тушунмоқдалар.

Кўпгина Совет ходимлари жамиятни демократиялашнинг ғоят муҳим воситаси бўлган «қуйидан» контролга, меҳнат кишиларининг контролига ва биринчи навбатда, унинг самарали формасини — барча сайлаб ва тайинлаб қўйиладиган мансабдор шахсларнинг меҳнат коллективлари ва аҳоли олдида мунтазам ҳисоб беришининг аҳамиятини етарлича баҳоламаётирлар. Биргина ўтган йил натижаларига кўра, республика маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг 259 бўлими ва бошқармаси меҳнаткашлар олдида ҳисоб бермади, буни 9 ижроия комитети ҳам «унутиб қўйди». Ошкоралик, рўй-ростлик — булар Советлар халққа ҳисоб беради, деган ленинча ҳақиқатни ҳамманинг тушуниб олиши сари қатъий бурилиш демакдир. Бир қанча совет ходимларининг онгида, қолаверса амалий ишларида ҳам бу ҳақиқат сийқалашиб қолганлиги сабабли ошкоралик норма, тинимсиз ишлайдиган система бўлиб қолиши учун ҳамма ишларни қилиш зарур. Унинг бутун бунёдкорлик потенциалини қайта қуришга хизмат қилдириш керак. Ҳар бир граждан давлат ва жамоат органларининг, мансабдор шахсларнинг иши тўғрисида ҳаққоний ва етарли даражада тўлиқ ахборот олиб туриши, ўз фикрини оммавий ахборот воситалари орқали ҳам, ёзма ва оғзаки равишда ҳам эркин билдира олиши керак. Муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси ошкораликнинг янада кенгайишини таъминлайдиган, уни ижтимоий ҳаётимизнинг узвий қисми сифатида белгилаб қўядиган ҳуқуқий актлар қаторидан ўзига муносиб жой эгаллаши керак.

Демократизм ва ошкораликнинг етишмаслиги Советларнинг ўз территорияларини иқтисодий ва социал ривожлантиришни таъминлаш борасидаги ишлари самарадорлигини пасайтириб юбормоқда. Бунда республика Советларига ишга янада масъулият билан ёндашиш, ишни амалда қайта қуриш, маҳкамачиликдан воз кечиш етишмаётир. Муҳим масалаларнинг қоғоз уюмлари ва чексиз мувофиқлаштиришлар оқимида кўмилиб кетишига йўл қўймайдиган аҳоли билан кенгашиш етишмаётир.

Ўйлаймизки, масалалар ошкоралик ва рўй-ростлик, гражданларнинг фикрларини кенг ҳисобга олиш вазиятида ҳал қилинса, республика шаҳарларини комплекс ривожлантиришдаги бирёқламаликка, уй-жойларни тақсимлашда социал адолат принципини қўпол суратда бузишларга йўл қўйилмаган бўларди.

Социал соҳа доимо ва жиддий эътибор беришни талаб қилмоқда. Бу йўналишдаги қайта қуриш Советлар учун соғлиқни сақлаш, социал таъминот, халқ маорифи, маданият муассасаларининг ишини амалда яхшилашни, уй-жой проблемасини ҳал қилишни англатади. Республикада 240 минг оила уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож, лекин кўпгина Советлар бу проблемани кабинетларда тинчгина ўтириб, одамлар билан маслаҳатлашмасдан, юзаки программалар тузиш йўли билан ҳал қилишмоқда.

Республикада ичкиликбозлик, алкоголизм, гиёҳвандликка, бошқа жирканч, салбий ҳодисаларга қарши кураш муаммоси кескин бўлиб турибди. Ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати, практика шуни кўрсатдики, бугунги кунда аҳолининг кенг қатламлари иштирок этмаса, қўшиб ёзишлар, талон-торож қилувчилар, порахўрлар, ҳар турли «олтин бандалари»га қарши самарали курашиб бўлмайди.

Яна кўпгина бошқа масалалар ҳам борки, уларни жамоатчилик фикрини ҳисобга олмасдан туриб, ҳал қилиб бўлмайди. Саноат объектларини жойлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш, микрорайонларни қуриш, ёдгорликлар ўрнатиш, шаҳарларга ва кўчаларга ном бериш ва номларини ўзгартириш, кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, ёшларга мўлжалланган уй-жой комплексларини ривожлантириш муаммолари ва бошқа кўпгина масалалар шулар жумласидандир.

Буларнинг барчаси Советлар амалга оширадиган катта ва кўп жиҳатдан масъулиятли ишлардир. Лекин биз шуни очиқ эътироф этишимиз керакки, халқ ҳал қилиши керак бўлган масалалар ҳали аҳоли муҳокамасига камдан-кам олиб чиқилмоқда, баъзан одамлар Советлар қандай масалаларни ҳал қилаётганини билишмайди ва бунинг оқибатида амалга оширилаётган тадбирларда керагича иштирок этишмайди.

Бир сўз билан айтганда, демократияни ривожлантириш учун бизда катта имкониятлар бор. Эътиборингизга ҳавола этилаётган Қонун лойиҳаси бу ишга салмоқли ҳисса қўшиши, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг қудратли омили бўлиб қолиши керак.

Депутат ўртоқлар! Бугунги сессияда «Ўзбекистон ССР Давлат ҳаётидаги муҳим масалаларни халқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг муҳокама этилиши ва қабул қилиниши социалистик демократияни ва халқнинг ўз-ўзини бошқаришини ривожлантиришда, қайта қуриш ғояларини амалга оширишда янги катта қадам бўлади. У бевосита демократиянинг мана шу муҳим соҳасидан янада самаралироқ фойдаланиш, давлат қарорларини ва бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда бажаришга гражданларнинг янада ғайрат билан ва аниқ мақсадни кўзлаб таъсир кўрсатиши учун реал имкониятлар яратиб беради.

Қонун қабул қилингач, сиз билан биз учун инсон омилидан ҳар томонлама фойдаланишга, меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини рўёбга чиқаришга ва шу билан бирга, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида масъулиятни, талабчанлик ва уюшқоқликни оширишга қаратилган амалий ишлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик республикасининг ҳам ана шундай қонунини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияси сизларнинг эътиборингизга республика давлат ҳаётидаги муҳим масалаларни халқ муҳокамасига қўйиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасини тақдим этади ва уни қабул қилишни сўрайди.

# «ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ МАСАЛАЛАРНИ ХАЛҚ МУҲОКАМАСИГА ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДАГИ ДОКЛАД ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

## Депутат Р. М. ХУДОЙБЕРГЕНОВА нутқи

**ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ**

Ўзбекистон давлат ҳаётининг муҳим масалаларини халқ муҳокамасига қўйиш тўғрисидаги Қонун лойиҳасида ҳамма даражаларда, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон автоном республика кўламида ҳамда область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул кўламида жамоат фикрини ҳисобга олишнинг мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлари кўзда тутилган. Қонун омма билан маслаҳатлашиш асосидагина ҳал этиш мумкин бўлган ишларнинг характерини аниқ белгилаб беради.

Қонун маҳаллий Советларнинг, уларнинг доимий комиссиялари ва депутатлар группаларининг, барча депутатларнинг ролини ошириш учун қулай шароитлар яратиб беради.

Областимизда инсон омилини кучайтириш борасида ўтказилаётган иш тажрибаларини баҳам кўришни хоҳлардим. «Уй-жой-2000» программаси қандай бажарилаётганлиги масаласи Урганч шаҳар Совети сессиясининг муҳокамасига тайёрланаётганида доклад тезислари алоҳида китобчалар қилиб нашр этилиб, ҳар бир депутатга топширилди. Халқ депутатлари меҳнат коллективларида бўлдилар ва уларни Урганч шаҳрида уй-жой проблемасини ҳал этиш борасида ўтказилаётган ишлар билан таништирдилар. Натижада «Уй-жой-2000» программаси тубдан қайта ишлаб чиқилди ва конкретлаштирилди. Якунлар шаҳар Советининг сессиясида муҳокама қилинди. Бу ерда анъанавий докладга эҳтиёж бўлмади ва дарров музокаралар бошланиб кетди. Қабул қилинган қарорни шаҳар ижроия комитети назоратга олди.

Депутатлар, ижроия комитетларнинг ходимлари сайловчи қизиқарли ғоя ёки танқидий руҳдаги хат, таклиф билан ижроия комитетга келишини кутмасдан, ўз ишларига тузатишлар киритиб, ўзлари одамлар билан маслаҳатлашгани меҳнаткашлар ҳузурига бормоқдалар. Кейинги бир ярим йил ичида область ижроия комитетининг ўзигина Қўшкўпир ва Янгибозор район марказларида, Катоғон, Хайравот ва Бешариқ қишлоқ Советларида сайёр мажлислар ўтказди.

Область ижроия комитетлари, унинг бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарлари мажлислар олдидан жойлардаги ишларнинг аҳволини ўрганиб чиқиб, корхоналар ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда одамларни қабул қилдилар. Бу эса бир томондан кечиктириб бўлмайдиган масалаларни мажлиснинг ўзидаёқ ҳал этишга имкон берган бўлса, иккинчи томондан меҳнат коллективларининг ишларига, уларнинг муаммолари ва ташвишларига чуқурроқ кириб боришга имкон берди.

Яқинда бир қанча шаҳарлар ва районларда яна битта қабулхона — телефон орқали қабул қилиш усули пайдо бўлди. Гражданлар муайян вақтда шаҳар ва район Советларига тааллуқли ҳар қандай масала юзасидан шаҳар ва район ижроия комитетларининг раисларига, уларнинг ўринбосарларига бевосита қўнғироқ қилишлари мумкин. Бу усул аҳолига жуда қулай бўлиб, қабулга ёзилиш ва кириш учун навбат кутиб туришга тўғри келмайди. Шундай қилиб, шаҳар ва қишлоқларнинг юзлаб аҳолиси ҳар ойда «Телефон қабулхонаси»дан фойдаланиб, турмуш масалаларини чаққон ҳал қилиб олмоқда.

Шундай бўлса-да бизда ўзгаришлар жуда секин бормоқда, Советларнинг меҳнат коллективлари ишлаб чиқариш фаолиятига, корхоналар ва ташкилотларни социал ривожлантиришни жадаллаштиришга таъсир кўрсатишидан ҳамон тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Кўпинча ишчанлик ўрнига чуқур таассурот қолдирмайдиган ҳар хил тадбирлар сони кўпайтириляпти.

Совет органлари қабул қилаётган қарорларни аҳоли ўртасида муҳокама қилишни ташкил этиш системаси йўқ. Кўпинча қарорлар юзаки тусда бўлмоқда. Ишчи ва колхозчилар ҳужжатларнинг лойиҳалари билан барвақт танишиб, уларни яхши ўрганиб чиқишлари, ўйлаб кўришлари ҳамда ўз фикрларини айтишларига вақт бўлиши учун ҳамиша ҳам шароит яратилавермайди. Меҳнат коллективларида ҳужжатларни муҳокама қилиш чоғида айтилган таклифлар ва танқидий мулоҳазаларни ҳисобга олиш ва умумлаштиришнинг ягона пухта методи йўқ. Гражданларнинг таклифлари қандай рўёбга чиқарилиб, улар амалий ишларда қандай акс этаётганлиги тўғрисида кўпинча ахборот берилмайди. Кўпинча муҳим масалалар омманинг кенг муҳокамасига умуман қўйилмайди. Биз область халқ хўжалигини бошқариш янги схемасининг лойиҳасидан меҳнаткашларни хабардор қилиб, уни меҳнат коллективларида муҳокамадан ўтказа олмадик. Хуллас, яхши қонунни қабул қилиш билан иш битиб қўя қолмайди. Уни конкрет ишлар билан мустаҳкамлаш керак бўлади.

## Депутат М. ҲАМРОЕВ нутқи

**АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ОЛТИНКЎЛ РАЙОНИДАГИ КАЛИНИН НОМЛИ КОЛХОЗ РАИСИ**

Бугунги сессия кун тартибига қўйилган масалаларни кўриб чиқиш халқ хўжалик аҳамиятига молик вазифаларни ҳал этишда, меҳнаткашлар активлигини оширишда, ошкораликнинг демократик принципларини янада кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Областда қайта қуриш жараёни тобора авж олиб бормоқда. Бу эса омманинг сиёсий активлигини оширишга, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашга олиб келади.

Кейинги вақтларда маҳаллий Советларнинг фаолиятида демократик иш принциплари ва ошкоралик сезиларли даражада мустаҳкамланди. Мисол учун, халқ депутатлари Олтинкўл район Советининг сессияларини ўтказишда кўпгина янгиликлар бўлаётганини кўриш мумкин. Сессияда кўриб чиқиш режалаштирилаётган масалалар юзасидан район газетаси орқали кенг халқ муҳокамасига қўйилмоқда. Депутатлар меҳнат коллективларида, шунингдек яшаш жойларида айтилган истаклар ва мулоҳазаларни диққат билан ўрганиб чиқмоқдалар.

Яқиндагина биз пахта, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан нореал планлар ва мажбуриятлар олинганлигининг аламлари ва ғурбатларини тортардик. Лекин бу ҳақда ҳеч ким оғиз очолмасди. Бунинг натижасида қўшиб ёзиш, қаллоблик қилиш, давлат мулкини ўғирлаш каби салбий ҳоллар авж оларди. Шу сабабли халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида тўла турғунлик ҳукм сурарди.

Ўзбекистон ССР янги Қонунининг қабул қилиниши республика экономикасини мустаҳкамлашга, рўй берган салбий ҳолларни бартараф этишга, шунингдек жамиятимизни демократиялаштиришни янада кенгайтиришга ёрдам беришига шубҳа қилмаймиз.

Экономиканинг ҳамма тармоқларини такомиллаштириш йўлида хўжаликларни йириклаштирдик ва 12 та хўжалик ўрнига 8 та хўжалик туздик. Бултур бизда 215 та далачилик бригадаси бўлса, ҳозир улар 120 та.

Шу ташкилий тадбирларнинг ҳаммасини халқ билан бамаслаҳат амалга оширдик, албатта. Меҳнаткашларнинг таклифлари эътиборга олинди. Бу йил район қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари пудрат системасига ўтади. Энди республика Давлат агросаноат комитети ўз қуйи органларининг масъулиятини кескин ошириши зарур. Йириклаштирилган ишлаб чиқариш участкаларининг муваффақияти, уларни хўжалик юритишнинг янги шаклларига ўтказиш кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

Айни вақтда агросаноат бирлашмалари ҳамон эскича ишламоқда. Улар маслаҳат беришдан бўлак иш қилолмайди. Бултур қишлоқ аҳли учун ҳамма қулайликлари бўлган дала шийпонини ўз кучимиз билан қуриб олдик. Шийпон бизга 19 минг сўмга тушди. Қўшни колхозда қурилиш ташкилоти худди шундай дала шийпонини қурган эди, у хўжаликка 60 минг сўмга тушди. Шийпонлар сиртдан бир-бирига ўхшаб кетсада, аммо харажатлар бирдай бўлмади. Қурилиш ташкилотлари қуриб бераётган объектлар бизга жуда қимматга тушаётганлигини айтмоқчиман. Иқтисодий жиҳатдан заиф колхозлар бундай харажатларни кўтара олмайди. Шунинг учун ҳам раҳбар органлар колхозларнинг бинокорлик материалларига бўлган эҳтиёжларини чуқурроқ ўрганса яхши бўларди.

## Депутат Ю. А. АСЕПКОВ нутқи

**ЧИРЧИҚ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ**

Бугун муҳокама қилинаётган Ўзбекистон давлат ҳаётидаги муҳим масалаларни халқ муҳокамасига қўйиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси волюнтаристик ва субъектив қарорлар йўлига қаттиқ ғов солиб, энг муҳим масалалар юзасидан республика Қонун актларини тайёрлаш практикасида ўзгариш ясамоғи лозим. Бу Қонун қайта қуришнинг масъулиятли босқичида совет социалистик демократияси ҳуқуқий асосларини анча мустаҳкамлаши керак.

Чунки демократияни авж олдириш, бошқаришни такомиллаштириш, ошкораликни кенгайтириш, СССР гражданини статусини мустаҳкамлаш соҳаларида партиянинг кўпгина асосий кўрсатмалари айни ҳуқуқ ёрдамида, мавжуд қонунлар ёрдамида практиканинг конкрет тилига ўтказилади.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни муҳокамаси буни яққол кўрсатди. Чирчиқнинг меҳнат аҳли шу Қонун берган ҳуқуқлардан фойдаланишни тобора кўпроқ ўрганиб бормоқда. 1987 йилда 174 раҳбар меҳнат коллективининг умумий йиғилиши ёки конференциясида сайланди. Коллективлар ўз корхоналарининг иқтисодий ҳамда социал ривожланиш планларини кўриб чиқиш ва тасдиқлашда, шу корхоналар фаолиятининг энг муҳим масалаларини ҳал этишда фаол қатнашмоқда.

Айни маҳалда ана шу қонунни қўллаш борасида орттирилган озгина тажриба ҳам бу ерда юқори хўжалик органлари томонидан тўғаноқ солиш механизми ишга тушаётганлигини билдирмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тўла ҳажмига давлат буюртмасининг берилиши корхоналарнинг мустақиллигини йўққа чиқаради.

Шу мисолларнинг кўрсатишича, Қонун актларини муҳокама этиш, уларни қабул қилиш ишнинг бир қисмигина бўлиб, қабул қилинган қарорларни амалга ошириш асосий мақсаддир.

Табиатни муҳофаза қилиш каби муаммога тўхталмаслик мумкин эмас. Бу борада анча-мунча ишлар қилинмоқда. Шу беш йилликда табиатни муҳофаза қилувчи объектлар қурилишларида 20 миллион сўмдан кўп капитал маблағ ўзлаштирилади.

Шу билан бирга, масалан, «Электрохимпром» бирлашмасида 30-40 йилларда қурилган зиён етказувчи цехлар ҳамон ишлаб турибди ва уларни ҳозирча ёпиб бўлмаяпти. Ёпиш у ёқда турсин, СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги навбатдаги беш йилликда айрим ишлаб чиқаришлар бўйича қувватларни янада оширишни планлаштиришга уринмоқдаки, бу бутун региондаги экологик вазиятни оғирлаштириб юборади.

Янги Қонун лойиҳаси бундай катта қарорларни қабул қилишда меҳнаткашларнинг бевосита қатнашувига конкрет гарантиялар беради.

Шаҳар аҳолиси шаҳарни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларини муҳокама қилишда юксак активлик кўрсатди.

Аҳолининг кўпгина таклифлари «уй-жой», «ресурсларни тежаш», «саломатлик», «кўп сменали иш режими» тармоқ комплекс программаларига киритилди.

Шаҳар партия комитети пленумларининг, халқ депутатлари шаҳар Совети сессияларининг материалларини меҳнат коллективларида, яшаш жойларида, матбуотда олдиндан муҳокама қилиш, социологик тадқиқотлар ўтказиш, кадрлар резервини ошкора кўрсатиш, жамоатчиликни қабул қилиш, бевосита корхоналарда шахсий масалалар бўйича қабул қилиш, телефон орқали боғланиш кунлари одат тусига кирди.

Ушбу сессия муҳокама қилаётган Қонун лойиҳаси республиканинг ҳар бир гражданига давлатни бошқаришда конституция берган ҳуқуқдан фойдаланиш учун реал имконият яратиб беради.

Шундай қилиб, демократия шахснинг гражданлик, ижодий имкониятларини амалга ошириш учун кенг майдон очиб, ҳар бир кишида давлат хўжайини ҳиссини уйғотади.

## Депутат Б. Ғ. ОЛИМЖОНОВ нутқи

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ЮСТИЦИЯ МИНИСТРИ**

Республикада давлат ҳаётининг муҳим масалалари халқ муҳокамасига қўйилиши Қонун лойиҳасига мувофиқ бевосита демократияни ривожлантиришнинг ишончли усулидир. Гражданлар йиғилишларини, сайловчилар наказларини, меҳнаткашлар хатларини, матбуот, радио, телевидениени, жамоатчилик фикрини баён этувчи барча воситаларни, омманинг талаб-эҳтиёжи ва кайфиятларига оператив тарзда синчковлик билан қулоқ солишни биз демократия формалари деб ҳисоблаймиз. Бевосита демократия ана шу усул ва формаларининг мақсади халқнинг коллектив фикри ва иродаси, унинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ ифодаланишига эришишдан иборат.

Юстиция органлари ва судлар меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари ва аҳоли билан алоқани янада мустаҳкамлаш заруратини тушуниб олганлар. Бинобарин, гап эндиликда ана шу ишларнинг ҳаммаси реал натижалар беришида қолган.

Халқ судьялари ва маслаҳатчилари аҳоли олдида тез-тез ҳисобот берадиган бўлиб қолдилар. Халқ судлари хусусий ажримларни кўпроқ чиқармоқдалар.

Бироқ шуни эътироф этиш керакки, юстиция органлари ва судлар кўпинча тадбирларни одамлар учун ноқулай бўлган вақтда ва расмий

**(Давоми олтинчи бетда).**

## ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

# «ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ДОКЛАД ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

(Давоми. Боши еттинчи бетда).

Яна бир ўткир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Маълумки, республикада рус тилини, ўзбек тилини ва бошқа миллий тилларни ўқитишда катта нуқсонларга йўл қўйилган . Масалан, областда татар тили ўрганиладиган атиги битта синф бор; корейс тилини ўрганадиган жой йўқ.

Яқинда кутубхоналарнинг ишини кўздан кечириб чиқдик, улардаги китоб фондининг асосий қисми ўзбек ва рус тилларида экани маълум бўлди. Айрим кутубхоналарда қозоқ ва тожик тилларидаги китоблар бор, бироқ қрим татар тилидаги китоблар бармоқ билан санарли даражада оз. Корейс, турк, озарбайжон, арман ва қирғиз тилларидаги китоблар мутлақо йўқ. Биз республиканинг тегишли идораларидан областнинг миллий составини эътиборга олиб, сиёсий, иқтисодий, техник ва бадиий адабиёт етказиб бериш масаласини ҳал этишни сўраймиз.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, радио ва телевидение аҳолини интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтиришга ўз ҳиссасини қўшиши керак. Ҳам профессионал, ҳам ҳаваскорлик миллий ансамблларнинг чиқишларини тез-тез ташкил этиш, республиканинг мамлакат бошқа регионлари билан иқтисодий алоқаларини пропаганда қилишни кучайтириш, партия, уруш ва меҳнат ветеранларининг, интернационалчи-жангчиларнинг, ишлаб чиқариш илғорларининг ўзлари яшаб турган аҳоли пунктида ёки ишлаб турган коллективдаги суҳбатларини ўтказиб туриш керак.

Интернационал дўстлик клубларининг ишини танқидий таҳлил этиш зарур. Уларнинг кўплари юзаки ишламоқда. Кўпинча, чет эллардаги ўз тенгдошлари билан болаларнинг хат ёзишларини уюштиришдан нарига ўтилмаяпти. Ўз коллективларида халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш муаммолари эса эътибордан четда қолмоқда.

## Депутат Ф. ҚЎНИСОВ нутқи

### НАВОИЙ ОБЛАСТЬ НУРОТА РАЙОНИДАГИ «ҚИЗИЛЧА» СОВХОЗИНИНГ БОШ ЧЎПОНИ

Мен яшаб ишлаётган Нурота районида 20 дан ортиқ миллат ва элатларга мансуб кишилар ёнма-ён меҳнат қиляпмиз. Биз — ўзбеклар тожиклар, қозоқлар, қорақалпоқлар, татарлар, руслар ва украинлар билан бирга кавказликлар, немислар ва поляклар ҳам ягона аҳил оила бўлиб яшамоқдалар ва ишламоқдалар. Турмушимизда янги социалистик анъаналар мустаҳкам ўрин олмоқда. Биздаги аралаш оилаларнинг кўпчилиги бахтиёр яшаётганликлари эътиборга сазовордир.

Районда 42 та ўрта ва саккиз йиллик умумий таълим мактаблари бор. Шулардан тўртталасида машғулотлар қозоқ тилида, бошқа 4 тасида тожик тилида олиб борилмоқда. Яна иккита ўрта мактабда дарслар биринчи синфдан 10 синфгача рус тилида олиб борилади.

Аммо мактабларда тожик ва қозоқ тилларидаги дарсликлар етишмайди, шунингдек қардош халқларнинг ўзбек тилидаги адабиёти ҳам оз.

Бизнинг наслчилик совхозимизнинг ўзидагина қарийб ўн миллат вакиллари меҳнат қилмоқда. Интернационал бирлик туфайли совхоз ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликларда тўрт марта республика социалистик мусобақасининг ва беш марта Бутуниттифоқ мусобақасининг ғолиби бўлди.

Улкан қайта қуриш ва жадаллаштириш инқилобий даврида ёш авлодни интернационал бирлик ва жипслик руҳида тарбиялаш масалалари коммунистлар ва халқ депутатларидан ташқари Советлар мамлакати ҳар бир онгли гражданинининг жонажон бурчи ҳисобланади.

Биз болалар интернационал тарбиясини аввало оиладан бошламоғимиз лозим. Шундан кейин уни жамоатчилик фикри ёрдами билан меҳнат коллективи шароитларида кучайтирмоғимиз керак.

Наслчилик заводи территориясида жойлашган Алишер Навоий номли 22-мактаб билан «СССР 60 йиллиги» 22-мактабида интернационал дўстлик клублари ишлаб турибди. Бултур қишлоқ Совети яқинида қурилган янги Бахт уйида етти интернационал оила юбилейларини тантана билан нишонладик. Тантаналар Номаълум солдат ёдгорлигига гулчамбарлар қўйишдан бошланди ва унда ёш интернационал оилалар қатнашдилар. Бизда ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш,спиртли ичимликларсиз тўйлар ўтказиш, эскилик сарқитларини тугатиш борасида кўп ишлар қилинмоқда.

Инсонни интернационал руҳда тарбиялаш масаласи naқадар муҳимлиги ҳар биримиз учун аниқ ва тушунарлидир. Ошкоралик, демократия шароитларида миллатлараро нифоқ ўтини ёқадиган мунофиқ кишилар топилади, албатта. Бу эса баъзи жойларда интернационал тарбия масалалари ҳамон юзаки равишда ҳал этилаётганлигининг аломатидир. Бинобарин, биз қайта қуришнинг айниқса ҳозирги босқичида бу масалага кўпроқ эътибор беришимиз керак. Бунинг учун меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш борасидаги бутун фаолиятимизни тамомила қайтадан кўриб чиқиб, йўл қўйилган камчилик ва хатоларга тезроқ барҳам бермоғимиз зарур.

## Депутат В. Г. ДЕНИСОВ нутқи

### ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ ҚЎШИНЛАРИ ҚЎМОНДОНИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ-ШТАБ БОШЛИҒИ

Меҳнаткашлар ва айниқса, ёшларнинг социалистик Ватанни ҳимоя қилишда Конституциядаги бурчларини бажаришга тайёрликлари ва қобилиятлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ҳар йили Ўзбекистондан кўп минглаб йигитлар Ватанимиз қуролли ҳимоячилари сафига ўтиб, Ватан чегараларининг хавфсизлиги ва дахлсизлигини қўриқлаш борасидаги жанговар постларга боради, халқ билан давлат олдидаги масъулиятли вазифаларидан бирини зиммасига олади.

Ўзбекистондан кўпгина вакиллар Афғонистон Республикасида интернационал бурчини адо этди. Шулардан 3,5 мингдан кўп киши хизмат бурчларини намунали бажарганлиги, мардлиги ва қаҳрамонлиги учун давлатнинг юксак мукофотларига сазовор бўлди. Улар ўзларининг муқаддас ватанпарварлик бурчларини бажариб, кўп миллатли ҳарбий коллективларда жанговар чиниқишдан ўтиб, жонажон коллективлари қўйнига қайтиб келди ва ҳозирда ҳам қайтмоқда, социалистик қурилиш меҳнат эстафетасини, СССР халқлари қардошларча дўстлиги байроғини баланд кўтариб бормоқда. Афғонистон республикасининг вилоятлари ва уездлари билан бевосита оталиқ алоқалари юксак ватанпарварлик ва интернационализм намунаси ҳисобланади.

Ёшларни интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда ҳарбий қисмлардаги таълим-тарбия жараёни, уларнинг бир-бири билан қалин алоқаси ва давомийлиги СССР халқлари дўстлигини, интернационализмни мустаҳкамлаш, ёшларнинг социал-сиёсий активлигини ривожлантириш, КПСС XXVII съезди қарорлари асосида қайта қуришда, жамият ишларини бошқаришда уларнинг ролини оширишнинг энг муҳим бўғинларидир.

Шу билан бирга бу ишдаги бир қанча жиддий салбий ҳоллар, камчиликларни кўрмаслик мумкин эмас. Бу нарса республика ёшларининг муайян қисмида ҳарбий хизматга бўлган муносабатда намоён бўлмоқда.

Салбий тенденциялар кўпайиб бормоқда ва бу нарса ёшлар билан ишлашда, интернационал ва ватанпарварлик тарбиясида камчиликлар борлигини кўрсатмоқда.

Меҳнаткашлар ва ёшларни СССР Қуролли Кучларига, Ватанни ҳимоя қилувчи аскарларга, бутун социалистик ҳамдўстликка меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш ишларининг бўшашиб кетганлиги айниқса ташвишлантиради. Бу эса армиядаги хизмат муҳимлигини сусайтиришга бўлган уринишларда, халқ маориф органларининг мактаблар ва ўрта ҳунар-техника билим юртларида бошланғич ҳарбий тайёргарликни ташкил этиш ишларидаги камчиликларда намоён бўлмоқда.

Масъул ходимларнинг, турли даражалардаги раҳбарларнинг бир қисми ўз ўғилларини уйга яқинроқ жойлаштиришга, хизматда бирон имтиёз ва енгилликлар берилишига эришишга уринмоқда.

Ватанпарварлик ва интернационал ҳарбий бурчини виждонан, ҳалол бажарган ва бажариб турган кишиларнинг тажрибалари меҳнат, ўқув коллективларида, яшаш жойларида тузукроқ пропаганда қилинмаяпти. Районлар, корхоналар, муассасалар ва ўқув юртларининг ҳурмат тахталарида бугунги кунда бу ердан чиқиб ҳарбий шон-шуҳрат ишларини шараф билан давом эттираётган ҳарбий хизматчиларнинг фотосуратларини аҳён-аҳёндагина учратиш мумкин.

Республиканинг оммавий ахборот воситалари бунга етарли эътибор бермаяпти.

Чақирув ёшидагилар орасида тўлиқсиз ўрта, ҳатто бошланғич маълумотли йигитларнинг борлиги ёш жангчилар ҳарбий ихтисослигини эгаллаш ишига жиддий зиён етказмоқда.

Республиканинг миллий мактабларида рус тили ўргатишни ташкил этишдаги камчиликлар ҳарбий коллективларни интернационал жипслаштириш йўлига ғов солмоқда. 1987 йил якунларига кўра, Ўзбекистон ССРдан чақирилганларнинг рус тилини дуруст билмайдиганлари 20 процентга етган.

Ўқувчи ёшларни профессионал ҳарбий соҳага йўллаш, офицерлик хизмати обрў-эътиборини пропаганда қилиш борасидаги ишларда бўлган камчиликлар секинлик билан йўқотилмоқда.

Республиканинг бир қанча областлари ва районларида соғломлаштириш — спорт ишидаги жиддий камчиликлар ҳамон тугатилгани йўқ. Ҳисобот ҳужжатларига кўра, чақирилувчиларнинг 95 проценти разрядчи спортчи ва ГТО нишондорлари ҳисобланади. Амалда эса шулардан нари борганда 25—30 процентигина тегишли нормаларни бажара олади.

Республикада запасдаги аскарларнинг ва айниқса, Афғонистонда интернационал бурчини бажариб келганларнинг потенциалидан дуруст фойдаланилмаётир.

Айрим комсомол ходимларининг эътиборсизликлари сабабли кўпгина интернационалчи жангчилар комсомол ташкилотлари назаридан четда қолиб кетмоқда.

Жойларда интернационалчи — жангчиларни ўқув юртларида бошланғич ҳарбий тайёргарлик раҳбарлари сифатидаги ишга жалб этишга жуда оз эътибор бериляпти.

Мен Ўзбекистон ССР Олий Советининг армияга чақирилувчи ёшларни интернационал руҳда тарбиялаш комиссиясини тузишни таклиф қиламан.

## Депутат О. ЁҚУБОВ нутқи

### ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ РАИСИ

Биз ўз ишларимиз ҳақида сўзлар эканмиз, қайта қуришнинг ҳозирги мураккаб дамларида келиб чиқаётган кўпинча аччиқ, лекин ўринли проблемаларни яширмай гапиришимиз керак. Воқеаларни енгилтаклик билан тушуниш ва бунда сохта тасаввурлар ҳосил қилиш даври ўтиб кетди.

Қироатхонлик, расмиятчилик, фақат баландпарвоз чақириқлар билан даъват қилиш, шиорларга ёпишиб олиш халқларни интернационал руҳда тарбиялашда нақадар аянчли натижаларга олиб келганлигини эндиликда ҳаммамиз кўриб турибмиз. Маълумки, маънавий бирликка зўр бериб интилиш ҳар бир халқнинг табиатига илгаритдан хос хусусиятдир.

Биз ўзимиз Россияга қўшилдикми ёки бизни қўшиб олишдими, деб неча ўн йиллар давомида баҳслашиб келдик. Ана шундай мунозараларга берилиб кетиб, баъзан айни ўша вақтда Пржевальский, Семёнов — Тяньшанский, Федченколар бизнинг ўлкамизда жаҳон кашфиётларини очганликлари, Комиссаржевская янги халқ театрига асос солганлиги ва бунга кейинчалик Ҳамза ҳам қўшилганлиги, довюрак революционерлар — Морозов, Першин ва бошқалар ўз марксчи ташкилотларини жасоратга йўллаганликларини баъзан унутиб қўйдик. Қамал халқасини ёриб ўтиб, биз томон босмачилар тўдалари ёпирилганлиги, Тошкентда Ўрта Осиёда биринчи университет тузиш учун машҳур рус олимларидан иборат Ленин поезди юборилганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Таассуфки, шундан кейин дунёга келган авлод мазкур университет таълимини олишга улгурмай, ўша воқеалар ҳақида яхши тасаввурга эга бўлмай қолдилар. Биз эндиликда ана шу тарихий беғараз қардошлик ҳаракатлари тўғрисида, халқларнинг ана шу ёрқин анъанага эга бўлган маънавий бирлиги ҳақида фақат ондасондагина эслаб ўтамиз, холос. Шу маънода олганда, биз, ёзувчилар ўз ишимизга танқидий баҳо бермоғимиз лозим, зотан ана шу улуғвор жасоратлар ҳақида биттагина яхши роман ёзиш интернационал тарбияга оид қолган барча тадбирлардан ҳам аълороқ бўлур эди.

Ҳеч кимга сир эмаски, биз ўз она тилимизда гапиришимиз қийин бўлган вақтлар бўлди. Она тилини яхши ўрганишга қуруқ даъват қилиш шоша-пиша «миллий мағрурлик» деб ҳисобланди. Лекин ҳаёт бунда ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқлигини кўрсатди. Зотан қандайдир бир бошқа тилни эгаллаб олиш ҳеч қачон бошқа тилни таҳқирлаш ҳисобига амалга оширилмайди.

Тошкентда Алишер Навоий юбилейи ўтказилган вақт ҳали хотирамда. Ўшанда ҳамма рус тилида гапирган эди. Тасодифан бир нотиқ ўз сўзини Навоий тилида бошлаб юборди. Бу бирданбир нотиқ-рус олими Сергей Иванов эди. Шунда залда мисли кўрилмаган қарсак чалинди. Ўзбекча нутққа қарсак чалган кишилар рус тилини ҳам чуқур ҳурмат қиладилар. Ленинград қамали вақтида Эрмитажнинг совуқ подвалида энг йирик рус олимлари Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини нишонлаганликларини яқинда мен катта бир залда гапириб бердим. Залга сув қуйгандек сукунат чўкди. Шундан кейин ана ўша олимлар ҳали ҳам ҳаётми, нима учун улар ҳақида ёзишмайди, улар тўғрисида ҳикоя қилиб беринг, бу нарса уларнинг бошқа халқлар маданиятига олижанoблик ва ҳурмат нуқтаи назаридан қарашнинг буюк тимсоли эмасми, деган саволлар ёғила бошлади.

Ошкоралик бораётган ҳозирги даврда биз шу нарсага рўйи рост иқрор бўлишимиз кераккки, шахсга сиғиниш йилларида ҳам, турғунлик даврида ҳам, ҳаттоки яқин-яқингинада ҳам биз миллий маданият, тил, урф-одат ва маросимлар сингари назокатли ва нозик ишда кўпгина қўпол хатоларга йўл қўйгандик. Бир вақтлар ўз тарихимиз, маданиятимиз, урф-одатимиз ва маросимларимизни яхшироқ тушуниб олишга табиий интилганимизда ҳам миллатчилик белгиларини ахтарар эдик. Иш шу даражага бориб етган эдики, йиғилишларда она тилида баралла гапириш, вафот этган қариндош —уруғларимиз ва дўстларимизга муносиб ҳурмат бажо келтириш, гўё дўппини шляпага алмаштириш билан ҳамма иши битиб қоладигандек эди. Михаил Сергеевич Горбачев оммавий ахборот воситалари раҳбарлари билан бўлган кенгашда ана шу мураккаб ва нозик масалага тўла ойдинлик киритиб: «Биз миллий ҳистуйғуларга ҳам, барча халқларнинг тарихига ҳам, маданиятига ҳам, тилига ҳам ҳурмат назари билан қараш, тўла ва ҳақиқий тенглик бўлиши тарафдоримиз», — деди.

## Депутат Н. А. УМЕРОВ нутқи

### РЕСПУБЛИКА «ЛЕНИН БАЙРОҒИ» ГАЗЕТАСИНИНГ РЕДАКТОРИ

Ҳозир биз дўстлик ва ҳамкорлик соҳасидаги ютуқларимиз ҳақида фахрланиб гапирар эканмиз, баъзан интернационализм баландпарвоз гаплар ҳисобига эмас, балки битта муштарак ишни амалга ошираётган одамларнинг яқиндан алоқаси ҳисобига ўсиб ва бойиб борганлигини, биз ана шу пойдеворга таянаётганлигимизни унутиб қўямиз.

Биз кандидатлик ва докторлик диссертацияларини ёзишга, баландпарвоз жумлалар ва шиорларни тўқишга кейин киришдик, чинакам миробгина сувнинг қадрига етишини унутиб қўйиб, ана шу бебаҳо мероснинг зарраларини йўлда йўқота бошладик. Миллий муносабатларимиздаги энг яхши жиҳатлар интернационализм учун қурилиш материали бўлиб хизмат қилиб келди ва ҳозир ҳам хизмат қилмоқда. Биз интернационализм уйини узил-кесил қуриб бўлдик, деб ўйлаган эдик. Турғунлик йиллари шунга олиб келдики, миллатлараро муносабатларда тантанали тадбирларга, катта дастурхон ёзиб чопон совға қилишларга берилиб кетдик, кўпинча деҳқонларнинг табиий меҳмондўстлик туйғуларидан ана шу мақсадларда фойдаланилди.

Аммо бундай давр қийинчилик билан бўлса ҳам, ўтмишга айланиб бормоқда. Ҳаётнинг ўзи ва қайта қуришнинг бориши мамлакатимизда авж олган демократия ва ошкоралик ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида самара бера бошлаганини кўрсатмоқда. Революцион янгиланиш миллатлараро муносабатлар каби нозик масалада ҳам ўз ифодасини топди.

«Социализм кўпроқ бўлсин» деган иборага тақлидан «Биз учун интернационализм мумкин қадар кўпроқ бўлсин!» дегимиз келади. Биз халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ишида ўзимизни кашшофлар, деб ҳисоблашга ўрганиб қолганмиз ва ҳозир Москвада «Халқлар дўстлиги» театри очилганини эшитганимда нега бундай театр олдин бизда очилмади, ахир бу ғоя бизда туғилган эдику, деб ўйладим. Кўп йиллар олдин Тошкентда ўзбек, корейс, қрим-татар ансамблларини бир бинода тўплаш ғояси туғилган эди.

Ёзувчи сифатида мамлакат бўйлаб кўп сафар қилишимга тўғри келган, шу сабабли ўзбек халқида интернационализм туйғуси жуда кучли ривожланган, деб айта оламан. Бюрократизм, гердайиш, манманлик иллатлари, камчиликларимиз ва хатоларимизни кўришга халақит бериб келган иллатлар халқ орасида эмас, балки бизнинг орамизда, зиёлилар орасида вужудга келди.

Штатсиз мухбирларимиз ўзбеклар, руслар, украинлар, корейслар, қозоқлар, туркманлар, яҳудийлар, қорақалпоқлар газетада юксак интернационализм руҳини сақлашга ёрдам бермоқдалар. Миллатлараро муносабатлардаги камчиликлар йиллар давомида тўпланиб қолди. Чунки турғунлик йилларида биз кўпинча жуда яхши, жуда муҳим қарорлар қабул қилардик, лекин уларни амалга оширишга шошилмас эдик, баъзан эса унутиб қўярдик. Масалан, 1978 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Пушкин номли тил ва адабиёт институти ҳузурида Қрим-татар адабиёти секторини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Бу сектор дарсликлар, луғатлар тузишга ёрдам бериши, адабиётшуносликни, танқидни қотиб қолган жойидан қўзғатиши лозим эди. Қарор қабул қилинди-ю унутиб юборилди. Оқибатда ҳозир яхши дарслик ҳам йўқ, луғат ҳам йўқ.

Ҳозир биз газеталар, журнал редакцияларида, нашриётда, радио ва телевидениеда кадрлар камчилигини сезиб турибмиз. Ёки бошқа бир мисол: биз, Ўзбекистонда яшовчи, мана шу гўзал маскан, унинг халқи, интернационал дўстлик тўғрисида китоблар ёзаётган ёзувчилар ўзбек тилида чиқарилган китобларимизни камдан-кам кўрамиз, ўзбек ёзувчиларининг қрим-татарлар ҳақида ёзган китоблари ҳам жуда кам.

## Депутат Р. САИДОВ нутқи

### СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ САРИОСИЁ РАЙОНИДАГИ «ШАРҒУН» ШАХТАСИНИНГ ИШЧИСИ

Биз шахтёрлар виждонан, ҳалол ишлаб, меҳнат унумдорлигини оширишни, маҳсулот сифатини яхшилаш, халқ мулкини асраш ва меҳнат интизомига риоя қилишни ўз бурчимиз, деб ҳисоблаймиз. Мамлакатимиз халқларининг қалин интернационал дўстлиги асосидагина шунга эришиш мумкин. Давлатимиздаги турли миллат ва элат кишиларини минглаб маданий, иқтисодий, маънавий алоқа риштaлари боғлаб туради.

Шахтамиз коллективида 20 дан кўп миллат вакиллари бор. Районда болалар ихтиёрий асосда ўзбек, тожик ва рус тилларида ўқитилади. Шаҳримизда ва умуман Сурхондарё областида бахтиёр ҳаёт кечираётган кўп кишилар борки, кўпинча бир оилада уч тўрт миллат вакиллари яшаб, болаларни тарбияламоқда, ишлаб чиқаришда виждонан меҳнат қилишмоқда.

Шахтамизнинг интернационал коллективи айни қалин дўстлик ва ҳамжиҳатлик туфайли яхши муваффақиятларга эришди. 1987 йилда кўмир қазиб чиқариш, брикет тайёрлаш, товар маҳсулот реализация қилиш плани ошириб бажарилди. Рус Александр Янов, татар Мунир Рафиқов, тожик Ёқуб Сатторов, ўзбек Нусратилло Ёров ва бошқа кўп кишилар ҳалол меҳнатлари билан обрў-этибор қозондилар, улар топшириқни ой сайин ошириб бажармоқдалар.

Интернационал тарбия соҳасида эришилган ютуқлардан ҳаммамиз фахрлана оламиз. Лекин бу ютуқлар билан хотиржам бўлиб қололмаймиз. Олмаотада, Тоғли Қорабоғда юз берган воқеалар миллий муносабат масалаларига ниҳоятда диққат-эътибор бериш кераклигини кўрсатди.

Бу масалада кескинлик чиқиши сабаблари хилма-хил бўлиши мумкин. Лекин тажрибанинг кўрсатишича, шуларнинг кўпи социал соҳа ва экономикани ривожлантиришдаги камчиликлар оқибатидан келиб чиққан. Кўпинча одамларнинг уй-жой, коммунал, савдо ва медицина хизмати билан таъминланишдаги камчиликлардан норозиликлари миллатлараро муносабатлар соҳасига олиб ўтилиб, ҳамма нарсалар билан таъминланганлик ёки ўз эҳтиёжларини амалга ошириб бўлмаслик миллий мансубликка боғлаб қўйилади. Бу борада жиддий тарбия ишлари зарур, албатта. Лекин менинг фикримча, ҳар бир қишлоқ, шаҳар, областнинг социал ва иқтисодий ривожланишида тартиб ўрнатиш асосий вазифа ҳисобланади.

Сайловчиларим депутат сифатида менга иккита наказ бердилар. Булар Шарғун шаҳри билан Сариосиё районини газлаштириш, шунингдек Шарғун шаҳрида қозонхона қуришдан иборатдир. Кўп мунозаралардан сўнг шаҳарга табиий газ келтирила бошладию, аммо бу ишнинг олиб борилиши суръати жуда суст бўлиб, ғоят шошилинч чоралар кўрилмаса, газ қувури ётқизиш ишлари яна ўн йил давом этиши мумкин. Республика Госплани ва «Союзузбекгазпром»и раҳбарларининг эътиборини мана шунга қаратмоқчиман.

Иккинчи наказга келганимизда, ҳанузгача на Госпландан, на Коммунал хўжалик министрлигидан, на «Средазуголь» бирлашмасидан ижобий жавоб олингани йўқ. Энди мен наказ бажарилмаётганлиги хусусида сайловчиларимга нима деб жавоб қилишни билмай турибман.

Шаҳарда биронта ҳам типовой магазин, клуб, умумий овқатланиш корхонаси, кутубхона, музика мактаби, поликлиника, спорт иншоотлари йўқ. Шуларсиз одамларнинг кайфияти яхши бўлишидан умид кутиш қийин. Турмушдаги зарур шароитлар йўқлиги меҳнаткашларни сўзсиз асабийлаштиради ва бу нарсалар турлича, шу — жумладан миллий масалада қинғир гаплар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Регионимиз учун аҳамияти кам бўлмаган яна битта проблемага тўхталиб ўтмоқчиман. Бутун Сурхондарё областининг аҳолиси Тожикистон ССР Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи чиқараётган тутун кўпайиб бораётганлигидан ташвишдадир. Бу завод атиги 20 километр нарида жойлашган. Қўйингчи, кейинги йилларда боғларимиз, табиатнинг гўзал гўшалари кун сайин қуриб бормоқда, энг муҳими эса, ёш авлоднинг саломатлиги хавф остида қолмоқда. Бунга брикет фабрикасининг чиқитлари ҳам қўшилмоқда.

Бу аҳвол экологик тусдаги масалалардан ташқари, икки қардош республика ўртасидаги муносабатларда муаммолар келтириб чиқариши мумкин ва шундай бўлмоқда ҳам. Биз республика ҳукуматига мурожаат этиб, вужудга келган аҳволни тузатиш учун конкрет чоралар кўрилишини сўраймиз. Республика Госплани эса брикет фабрикасини лойиҳалаш ва газлаштириш учун «Средазуголь» бирлашмасига лимит ажратиб бериши зарур. Бу эса атроф-муҳит газланишини камайтиришига имкон беради.

Тожикистон билан яқин чегарадош бўлганлигимиз сабабли вужудга келган яна битта муҳим масала бор. Кўпинча районимиз меҳнаткашлари оғир касалликлар натижасида қўшни республиканинг даволаш муассасаларига мурожаат қилиб турадилар. Бу муассасалар районимиздаги касалхоналарга нисбатан бизга анча яқин ерда жойлашган. Шунда мавжуд хизмат зоналарини баҳона қилиб, беморларга қарашмайди. Хўш, мана шу оддий масалани узил-кесил ҳал қилиб қўйса бўлмайдими? Зеро, бундай фактлар кўпинча бюрократлик, деб эмас, балки миллий қараш ифодаси, деб талқин этилади.

Сўзимнинг пировардида Олий Советнинг Миллатлараро муносабатлар комиссиясини тузиш тўғрисида айтилган таклифни маъқуллайман ва мана шу ғоят мураккаб ҳамда сермеҳнат соҳадаги ишларда катта муваффақиятлар тилайман.

## Депутат А. Н. НОСИРОВ нутқи

### ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Ўзбекистон ССР Олий Советида миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия доимий комиссиясининг тузилиши — шу куннинг тақозосидир.

Комсомол комитетлари йигит ва қизларни интернационал руҳда тарбиялаш соҳасида орттирилган тажриба — олға томон ҳаракат қилишимиз учун базадир. Биз ёшларга республика ва мамлакат экономикаси соҳаси, уни жадал ривожлантиришни таъминлаш — бугун миллий ватанпарварлик туйғулари намоён этиладиган энг муҳим фаолият жабҳаси эканлигини сўзимиз ва ишимиз билан тушунтиришга интиляпмиз. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина бир ярим минг нафар йигит ва қиз қўриқ ерларни ўзлаштириш учун, 2 мингдан ортиқ йигит-қиз Бутуниттифоқ зарбдор қурилишларига жўнаб кетди. Кўпгина комсомол-ёшлар коллективлари состави интернационал эканлиги, ўзбеклар ва руслар, тожиклар ва қозоқлар, қирғизлар ва татарлар ёнма-ён туриб меҳнат қилаётганликлари кишини қувонтирмай қолмайди. Улар бирбирларини ўз халқининг маданияти, анъаналари билан бойитиб ягона оила бўлиб яшашга ўрганмоқдалар. Чунончи, Сирдарё область Оқолтин районидан Сиддиқа Сайдметова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасида беш та миллат вакиллари меҳнат қилишади. Улар яқин орада ёшлар уй-жой комплекси усули билан қурилган янги уйларга кўчиб киришади. Турли миллат ёшларининг биргаликда яшаш ва меҳнат қилишга интилишини қўллаб-қувватлашни келгусидаги вазифамиз, деб биламиз. Худди ана шу нарса интернационализмни мустаҳкамлайди.

Лекин, афсуски, бу ерда ҳамма нарса ҳам муваффақиятли бўлаётгани йўқ.

Мамлакат марказий районларидаги ҳунар-техника билим юртларига йигит ва қизларни ўқишга юбориш — миллий жиҳатдан ажралиб қолишни бартараф этишнинг муҳим омилидир.

Ёзувчи Темир Пўлатовнинг хатти-ҳаракати тўғрисида гапириб ўтишни истайман, у «Орлёнок» пионер лагерида Ўзбекистонлик болалар ҳақорат қилинди ва улар муддатидан илгари жўнаб кетишга мажбур бўлдилар, деди. Бундай фактлар бўлмаган. Ёзувчига зарарли шов-шув кўтариш нега зарур бўлган?

Ҳозир тил муаммолари хусусида кўп мунозаралар бўлмоқда. Чунончи, комсомолга республика ёшлари рус тилини билмаган ҳолда армияга кетаётганликлари ҳақида эътирозлар билдирилмоқда. Келинг, мактабни битирган ҳар бир йигит рус тилини қаерда чуқурроқ ўрганиши мумкин, деган саволни берайлик. Биз қуруқ ташаббус билангина натижага эришишни хоҳлаймиз. Бу истиқболсиз йўлдир. Корхоналар, колхозлар, совхозлар нима учун рус тилини, айни вақтда бошқа тилларни ҳам чуқур ўрганиш учун махсус курслар очиши мумкин эмас? Ёшларни СССР Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилишга тайёрлаш асосий вазифаси бўлган ДОСААФ ташкилотлари армияга чақирилувчилар ўртасида рус тилини чуқур ўрганишни нега ташкил этмайди?

Яна бир мулоҳаза билан ўртоқлашмоқчи эдим. Минглаб йигит ва қизлар ҳар йили республикамиздан чет эл сафарига борадилар. Айни вақтда уларнинг кўпчилиги қўшни республикаларда бирор марта ҳам бўлишган эмас. Шунинг учун ҳозир иттифоқдош республикалар комсомол комитетлари билан бирга ана шундай туризмни кескин ривожлантиришни режалаштиряпмиз. Бироқ бу транспорт, жой билан таъминланиш масалаларини ҳал этишни тақозо қилади. Республика Маориф министрлиги каникул кунларида мактаблар, интернатлар биноларини ажратиб бериш ҳақидаги илтимосимизга жуда совуққонлик билан қарамоқда. Биз ҳар йили катта машаққатлар эвазига автотранспорт учун лимитлар, соатлар ундирамиз. Министрликлар ва идоралар мазкур масалаларни ҳал этишда бизни қўллаб-қувватлашларини истардик.

Шу ойда республика комсомоли Марказий Комитети ташаббуси билан шеърият, халқ қўшиқлари ва рақслари биринчи ёшлар фестивали ўтказилади. Тошкент ва республикамизнинг бошқа шаҳарлари унинг қатнашчиларини илк бор кутиб олади. Бу миллатлараро ҳамда шахсий мулоқотларнинг чинакам байрами бўлади, деб ўйлаймиз. Бундай фестиваллар анъанага айланишига, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда ҳар йили галма-гал ўтказиб турилишига умид қиламиз.

Тошкентда Ўзбекистон аҳолиси қардош халқлар маданияти, турмуши, миллий анъаналари билан таниша оладиган Ўрта Осиё республикалари маданий марказини ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бундай марказлар бошқа Ўрта Осиё республикалари пойтахтларида ҳам ташкил этилиши мумкин.

### Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида

# ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

округи), **А. Ёқубов** (108-Келес сайлов округи), **Н. А. Умеров** (370-Қумқўрғон сайлов округи), **Р. Саидов** (383-Шарғун сайлов округи), **А. Н. Носиров** (427-Халқобод сайлов округи) қатнашдилар.

Сессия «Ўзбекистон ССР Олий Советининг Миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия масалалари комиссияси тузиш тўғрисида»ги қарорни бир овоздан қабул қилади.

Сессия Ўзбекистон ССР Олий Совети баъзи доимий комиссияларининг составини ўзгартирди.

384-Телпакчинор сайлов округидан депутат **М. Искандаров** халқ таълими ва маданияти комиссиясининг раиси қилиб сайланди. У қонун лойиҳаларини тайёрловчи комиссия аъзоси вазифасидан озод қилинди.

Депутатлар: 95-Бордонкўл сайлов округидан **Р. А. Попов**, 214-Киров сайлов округидан **Б. Ф. Жалолов**, 467-Юқорибоғ сайлов округидан **У. Худойберганова** қонун лойиҳаларини тайёрловчи комиссия аъзолари қилиб сайландилар.

174-Газли сайлов округидан депутат **А. Р. Отажонов** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинланганлиги муносабати билан энергетика комиссиясининг аъзоси вазифасидан озод этилди. 35-Собир Раҳимов сайлов округидан депутат **Д. А. Усатов** Ўзбекистон ССР прокурори қилиб тайинланганлиги муносабати билан қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияларининг аъзоси вазифасидан озод қилинди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госпланининг раиси **И. Искандаров** республиканинг 2000 йилгача мўлжалланган комплекс уй-жой программасини муҳокама қилиш чоғида депутатлар ва гражданлар билдирган таклиф ва мулоҳазалар юзасидан қабул қилинган қарорлар хусусида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети номидан ахборот берди. Олий Совет мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Сессияда Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари **И. Қ. Қурбонов** ва республика Госпланининг раиси **И. Искандаров** бир кун олдин депутатлар Ф. А. Полтаева, Т. М. Тусеева ва Р. Саидовдан тушган сўровларга жавоб қайтардилар.

Сессия депутатлар сўровлари юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари **Л. Ш. Беккулбекова**нинг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги докладини тингладилар. Тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилинади.

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессияси шу билан ўз ишини тамомлади.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Р. — 10708. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. 1582 ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12